

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 369.542 (584.4)

**ҚАМБАРОВА КАМОЛА САЙФУТДИНОВНА**

**ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ  
ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ**

5A230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги  
бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

ИЛМИЙ РАҲБАР:  
Иқтисод фанлари номзоди,  
доцент Хошимов П.З.

ТАШКЕНТ - 2013

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1 БОБ. ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	6
1.1. Пенсия тизimini ривожлантириш бўйича назарий ёндашувлар.....	6
1.2. Ижтимоий ҳимоялашнинг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ва роли.....	13
1.3. Пенсия тизими аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасининг муҳим бўғини сифатида.....	18
1 боб бўйича хулосалар.....	26
2 БОБ. ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ.....	27
2.1. Марказий Европа ва АҚШ пенсия тизими ислоҳотлари.....	27
2.2. МДҲ мамлакатларида пенсия тизimini ислоҳ қилишнинг зарурлиги ва шарт шароитлари.....	38
2.3. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия таъминотининг кўп даражали тизимига ўтиш.....	49
2 боб бўйича хулосалар.....	60
3 БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	61
3.1. Республика пенсия тизимининг ҳозирги ҳолати.....	61
3.2. Пенсия тизimini такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.....	74
3.3. Мамлакатимизда пенсия тизimini ривожлантириш истиқболлари.....	78
3 боб бўйича хулосалар.....	83
Хулоса.....	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	87
Иловалар.....	91

## **Кириш.**

**Мавзунинг долзарблиги:** Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидаги энг асосий масалалардан бири пенсия таъминоти ҳисобланади.

Илк пенсия тизимлари бундан 100 йил олдин вужудга келишига ва бир неча ислохот босқичини бошдан кечирганига қарамай, бугунги кунда пенсия таъминоти муаммолари ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам кескинлашмоқда. Бу, биринчи ўринда, демографик факторларга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида истиқлол йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, пенсия таъминоти сифатини ошириш бўйича босқичма-босқич ислохотлар олиб борилмоқда. Натижада ўтган қисқа вақт ичида республикамызда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва кафолатлашнинг кучли ва таъсирчан механизми яратилди. Зеро, “Ҳар қайси оиладаги фаровонлик, юртдошларимизни ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишга боғлиқдир”<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янги амалий самарали шакллари кўллашни талаб этади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кексаликда камбағалликдан ҳимоялашда муҳим ўрин эгаллайди ва ушбу тизимни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот олиб боришни талаб этади.

**Ўрганилганлик даражаси:** Пенсия тизимини ривожлантириш йўналишлари хорижлик таниқли иқтисодчи олимлар Пальмер, Ж.Стиглиц, М.Боскина, Г.Конрада, Б.Фридмана, Д.Линдемана, И.П.Дэвис илмий ишларида тадқиқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузаси. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т – “Ўзбекистон” – 2013. 31 бет.

қилинган. Миллий пенсия тизими, пенсия таъминоти ўзбекистонлик олимлардан Р.Т.Далимов, Б.Х.Умурзаков, Н.М.Мажидов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

**Диссертация ишининг мақсади:** Ўзбекистон Республикасидаги пенсия тизимини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Диссертация ишининг вазифалари:**

- Пенсия тизими ривожланишининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва унга хос хусусиятларни аниқлаш;
- Пенсия тизимини ривожлантириш бўйича тараққий этган мамлакатлар илғор тажрибасини ўрганиш ва уни мамлакатимиз иқтисодиётида ижодий қўллаш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- Республикамизда жорий пенсия тизимини ривожлантириш босқичларини аниқлаш;
- Мамлакатимиздаги мавжуд пенсия тизимининг амал қилиш механизмини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистонда жорий пенсия тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда пенсия тизимини истиқболда ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Амалий аҳамияти:** Тадқиқотдаги илмий таклиф ва амалий тавсияларда Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимини янада ривожлантириш, пенсия фонди тўлов қобилиятини яхшилаш ва Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш механизмини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Илмий янгилиги:**

- Пенсия тизимини ривожланишига хос тенденциялар аниқланди;
- Ўзбекистон Республикасида пенсия тизимини ривожлантириш жараёни босқичларга ажратилди ва уларга хос белгилар аниқланди;
- Ривожланган мамлакатларнинг пенсия тизимини ривожлантириш борасидаги илғор тажрибалар умумлаштирилди ва улардан республикамиз амалиётида ижодий фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- Республика пенсия тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланди.

**Тадқиқот объекти:** Ўзбекистон Республикаси пенсия тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети:** Пенсия тизимини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

**Диссертациянинг тузилиши:** Диссертация иши 90 бет, 13 та расм, 6 та жадвал ҳамда 40 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **1 Боб. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари.**

## **1.1. Пенсия тизимини ривожлантириш бўйича назарий ёндашувлар.**

Пенсия тизими жамиятнинг турли ижтимоий қатламларининг манфаатларини қондириш учун мўлжалланган, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий институтларни бирлаштирувчи мураккаб организмдир.

Пенсия бу фуқароларнинг қонунчиликда белгиланган кексалик ёшига етганида, ногиронлик туфайли меҳнат фаолиятини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганида ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда қонунчиликда белгиланган шартлар ва нормалар асосида бериладиган ҳар ойлик тўловлар, пенсия таъминоти эса ушбу тўловларни махсус пенсия жамғармалари маблағлари ҳисобидан фуқароларга тўланишининг таъминланишидир. Яъни пенсия аҳолини иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Лондонда 1375 йили ташкил этилган Муқаддас Джеймс гильдияси ҳужжатларида қуйидагича фикрлар мавжуд: “Агар кимда ким қардошликда бўла туриб қарилик чоғида жамғармага эга бўлмаса ва ўзига ўзи ёрдам кўрсата олмаса, қардошликда 8 йил давомида бўлиб, ўз хизматини яхши адо этган бўлса, ушбу шахс ҳар ҳафта умрининг охиригача ёки шароити яхшилангунга қадар умумий кассадан 13 пенсия олишга ҳақли”.<sup>2</sup>

1834 йилда Буюк Британияда ҳозирги пенсия ҳолатини таъминлаган Қарор қабул қилинган. Пенсия ойлик иш ҳақининг учдан икки қисмига тенг бўлган ва 45 йиллик меҳнат стажи мавжуд аҳолига 65 ёшидан берила бошланган. 1859 йилга келиб пенсия ёши 60 ёшга туширилди ва бундаги меҳнат стажи ҳолати 40 йилни ташкил этди.

---

<sup>2</sup> M. Pilch and V. Wood pension Schemes. A guide to principles and practice. Gower Press, 1979, p.3

1908 йилда Буюк Британияда давлат база пенсиялари жорий қилиниб, унинг ҳажми ҳафтасига 2-5 шиллинг бўлган ва 70 ёшдан берилган, 1925 йилда эса 65 ёшдан, 1960 йилда аёллар учун 60 ёшдан берилган.

1925 йилда 65 ёшлик пенсия ёшидаги аҳоли учун қайта тақсимлаш пенсия тизими қўлланила бошланган бўлиб, унинг молиявий ҳолати киритилиб борилган бадалга таянган, бунда 70 ёшдан юқори бўлган аҳоли қатламига база пенсиялари тўлови давом этган. 1946 йилда Миллий суғурта дастурида бошланғич пенсия ҳажми ёлғиз фуқаролар учун ҳафтасига 26 шиллинг ва оилалилар учун 42 шиллингдан иборат бўлган.

1918 – 1921 йилларда бадаллар киритиш жараёнидаги солиқ имтиёзлари илк жамғариш тизимига туртки бўлди. Буюк Британиядаги биринчи жамғариш тизими 1928 йилда Metropolitan Life of New York Америка компанияси туфайли вужудга келди. 1947 йилдаги қўшимча солиқ имтиёзлари компаниялар (“Top Hat”) учун маъмурий ва асосий ишчиларнинг пенсияларига катта ҳажмдаги маблағларни қўйишга имкон берди. Катта ойлик маошга эга бўлган ишчилар ойлигининг бир қисмини тўғридан-тўғри чегирилиши ва келажакдаги ойлик маоши кўтарилиши ҳолатидан кўра иш берувчиларнинг пенсия таъминотидаги барча харажатларни тўлашларига манфаатдор бўлиб қолдилар. Буюк Британиядаги пенсия тизимини ривожлантиришнинг асосида қуйидаги қарорлар ётади:

- 1952 йил: суғурта компанияларининг инвестиция даромадига солиқ солинишининг бекор қилиниши;
- 1956 йил: аннуитетнинг асосий суммасига солиқ солинишининг бекор қилиниши ва солиқ фақат қўшимча даромад солиққа тортилиши;
- 1970 йил: барча турдаги схемалар кодировкасининг амалга оширилиши.

АҚШдаги илк пенсиялар хронологияси 1789 йилга бориб тақалади. Ушбу йилда Федерал ҳукумати томонидан граждандар уруши қатнашчиларига пенсия белгиланган. 1795 йилда Томас Пейн ўзининг “Аграр адолатлилик”

тезисларида Европа миллатига ва ҳали ёш Америка республикасига ижтимоий суғурта дастурини таклиф этади. У мерос олган мулк сохиблари мулк ҳолатидан келиб чиқиб 10фоиз миқдорини солиқ тариқасида тўлашни ва бу сумма маҳсус фондни молиялаштириш учун йўналтирилишини, ушбу фонд 21 ёшга тўлган аҳоли қатламларига 15 фунт стерлинг миқдорида ва 50 ёшдан катта аҳоли қатламларига 10 фунт стерлинг камбағаллик бўйича тўловларни амалга оширишни кўзда тутган.

АҚШдаги пенсия тизимининг ривожланиши эволюцион йўл билан, тармоқлар, штатлар, умумдавлат (федерал) даражада хусусий секторга жамғариш тизимини тажриба сифатида қўллаш орқали ривожлана борган. 1857 йилда илк маротаба Нью Йорк полиция ишчилари учун ҳаётларини ва ногиронликни суғурталаш учун муниципал пенсия фонди ташкил этилган. 1857 йилда “American Express” компанияси томонидан илк маротаба хусусий пенсия режаси тузилади. Унга кўра компанияда 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган, 60 ёшли ишчиларга иш фаолиятини тўхтатганлик юзасидан тўловлар тўланилиши маълум қилинади. Биринчи ўқитувчилар учун пенсия схемаси Нью Йорк шаҳри (1894 йил)да ва Нью Джерси штати (1896 йил)да жорий этилган. 1898 йилда Огайо штатида АҚШ тарихидаги илк кўрларни пенсия билан таъминлаш қонун лойиҳаси қабул қилинади. 1911 йилда Массачусетсда, 1914 йилда Аризонада штатлар доирасида тўлов (взнос)ларга асосланган, барча давлат идоралари ишчиларини қамраб олган биринчи пенсия тизими жорий қилинди. 1920 йилда федерал ишчилари учун граждан ишчилари ва ногиронларни пенсия билан таъминловчи Фонд ташкил этилди. 1934 йилда президент Рузвельт томонидан темир йўл ишчилари учун пенсия таъминоти Фармон қабул қилинди.

1930 йилдаги молиявий инқироз 1935 йилда президент Ф.Д.Рузвельт томонидан имзоланган “Ижтимоий суғурта таъминоти тўғрисида”ги Фармон қабулини тезлаштирди. Жорий этилишининг асосий вазифаси сифатида

пенсия тўловларини тўлаш қўйилган. Фармоннинг асосий томони қуйидаги икки асосий дастурларнинг қабул қилиниши бўлди:

- ижтимоий ҳимоя дастурларини сақлш учун штатларга дотациялар ажратиш;
- пенсия ёшидаги аҳоли қатлами учун тўлов федерал дастури.

Иккинчи дастур ҳозирда АҚШдаги ижтимоий суғурта дастурига асос бўлди.

1937 йилнинг январ ойидан бошлаб АҚШдаги ижтимоий суғурта дастури молиялаштиришнинг қайта тақсимлаш принципига ўтди. Бунда ишчилар учун ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш 1фоиз га тенг бўлган. Иш берувчилар учун эса (“ишсизлик бўйича солиқ”) ишчилар сони 8 нафардан ошган тақдирда 2фоиз га тенг бўлган. Ҳозирги кунда умумий ушлаб қолиш ҳолати 15.3фоиз ФОТни ташкил этиб, унинг оғирлик юки иш берувчи ва ишчи ўртасида тенг тақсимланган.

1940 йилдан бошлаб қариллик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича ойлик пенсия тўловлари жорий этилди.

1977 йилда дастур инқирозга юз тутди, шу сабабли иш ҳақидан ушлаб қолиш ставкаси 6фоиз дан ҳозирги 7.65фоиз га (иш берувчи ва ишчи учун алоҳида) етди. 1983 йилдан бошлаб пенсия ёшининг узайиши кузатилади ва у эркак ва аёллар учун 67 ёшга тенг бўлди.

1937 йилда АҚШда илк бюджетдан ташқари “Қариялар ва улар қармоғидагилар учун Траст фонди” ташкил этилди. Траст фондларида киритилган тўловлар ҳисоби, уларнинг индексацияси ва тўлов жараёнлари амалга оширилади. Траст фондлари давлат ўз ижтимоий сиёсатини олиб боровчи механизм ҳисобланади. 2000 йилга қадар Ғазначиликда тўртта махсус ҳисоблар мавжуд бўлган: қариллик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича суғурта Фонди (СПКС), ногиронларни суғурталаш (ИС), умумий тиббий суғурталаш (МедС) ва ногиронларни тиббий суғурталаш (МедИС).

Кўплаб пенсия дастурлари илк маротаба буюк Британия ва АҚШда ташкил этилганига қарамасдан, умумдавлат ижтимоий суғурта дастури биринчи

марта Германияда вужудга келган.<sup>3</sup> Бу “Касаллик ва ёқимсиз ҳодисалардан суғурталаш тўғрисидаги Қонун”нинг қабул қилинганидан сўнг бошланди. Бу ерда мажбурий суғурта принципи амалга оширилиб келинади. 17 ноябр 1881 йилда император Вильгельм I канцлер Бисмарк таклифи билан банд аҳолига мажбурий ижтимоий таъминотни жорий этади. 1889 йилдаги Қариларни пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги Фармоннинг қабул қилиниши билан Германия пенсия таъминотининг миллий дастурига эга бўлган дунёдаги биринчи мамлакатга айланди.

Ўзбекистондаги пенсия таъминоти тарихидан қарияларга ғамхўрлик Ўрта Осиё халқлари ҳаётида энг асосий жабҳа бўлганига гувоҳ бўламиз. Ушбу фикрнинг далилини VIII – XV асрлар ва ундан кейинги даврларга тўғри келадиган диний ва тарихий манбалардан олишимиз мумкин.

Маълумки, омадли ҳарбий юришлардан сўнг Амир Темур ўжангда ажралган ҳарбий кўмондонларга умрини охиригача пенсия белгилаган, уларнинг оиласи ва ота-онасини, шунингдек, жангда ҳалок бўлган жангчиларнинг оила аъзоларини молиявий жиҳатдан таъминлаб борган.

Жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан XIX-аср охири ва XX-аср бошларида меҳнат қобилиятини йўқотган ишчилар ва уларнинг оила аъзоларига ҳамда Тошкент, Қўқон, Жиззах ва Самарқанддаги чангалзор устахоналарида ишлаган ишчилар ёрдам кўрсатиш мақсадида мустақил ишчилар ҳамда батракларнинг бирлашмаси вужудга келди. Бу коллектив аъзоларини касаллик чоғида, боқувчисини йўқотганда ёки дафн харажатларини ажратишга мўлжалланган молиявий ёрдамнинг ибтидоий кўриниши эди. Ушбу касса маблағлари қатъий ўрнатилган ишчиларнинг мажбурий тўловларидан иборат бўлган.

Ўзбекистон 1991 йилгача собиқ СССР таркибида бўлганлигини ҳисобга олсак, аҳолини пенсия билан таъминлаш миллий қонунчилигининг

---

<sup>3</sup> Old Age Pension Schemes, OECD 1977, Paris, France, p.22.

эволюцияси Россия хонлиги ва собиқ СССР аҳолини пенсия билан таъминлаш қонунчилигига боғлиқ бўлганини кўриш мумкин.

1917 йилдаги октябрь тўнтаришидан сўнг Россияда аҳолини пенсия билан таъминлаш эволюцияси бошланди. Илк бора мамлакат миқёсида суғурта принципига асосланган пенсия таъминоти бутун ижтимоий суғурта системаси қатори давлат ижтимоий таъминотига алмаштирилди. Суғуртани амалга оширувчи бутун органлар ликвидация қилинди, суғурта компанияларининг йиғилган маблағлари давлат бюджетига ўтказилди. Суғурта механизмининг йўқ қилиниш жараёни 1921 йилгача давом этади. Кейин аста секинлик билан суғурта агентлиги пайдо бўла бошлайди. Бу жараён 1933 йилда тўхтатилиб, бутун суғурта компанияларининг бирлашиш операцияси амалга оширила бошланади.

Пенсия тизими 1956 йилда “Давлат пенсияси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан қонуний шаклни касб этади. 1964 йилдагина колхоз ишчиларини инобатга олган “Колхоз аъзолари учун пенсия ва тўловлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинади.

“Давлат пенсияси тўғрисида”ги Қонуннинг 6 моддасида “Пенсия тўлови давлат томонидан йиллик собиқ СССР давлат бюджетдан ажратиладиган маблағ ҳисобидан амалга оширилади” дейилган ва шу даврдан бошлаб корхона ва меҳнат коллективи, шу жумладан, касаба уюшмалари ҳам ижтимоий суғурта фондидан фойдаланишга ҳаққи йўқ эди, бироқ умумий ҳажми иш ҳақи фондининг 40фоизига тенг бўлган суғурта тўловлари кўринишидаги пул маблағларини тўлашга мажбур эдилар. Агар 1956 йилда мамлакатда қонун бўйича пенсия ўртача иш ҳақининг 65фоизини ташкил этган бўлса, Иттифоқнинг парчаланиш даврига келиб ушбу кўрсаткич 43фоиз бўлган. 1990 йилгача (деярли 60 йил) пенсия таъминоти тизимида ўзгариш кузатилмади.

1956 йилда белгиланган аёллар учун мажбурий стаж 20 йил ва эркаклар учун 25 йил ҳозирда бир қатор МДХ мамлакатларида амалда. Шу тариқа

пенсия таъминоти билан бирга ижтимоий суғурта мамлакат даромадларини қайта тақсимловчи асосий инструментга айланди ва шу даврдан бошлаб ўзининг молиявий мустақиллигини йўқотиб, давлат бюджетига кўшилади.

1991 йилда Ўзбекистон мустақил бўлиши билан мамлакатимиз иқтисодий ислохотларининг мақсади кучли ижтимоий сиёсатга асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш бўлди.

Ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминотига қаратилган давлат маблағларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида 1993 йил 4 августда собиқ СССР Пенсия Фондининг Ўзбек бўлими базасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ижтимоий суғурта фонди ташкил этилди. 1993 йил 3 сентябрда эса “Аҳолининг пенсия таъминоти тўғрисида”ги биринчи Қонун қабул қилинди. Шу тариқа биринчи ташкилий, қонуний ва молиявий асос солинди ва бу ўз навбатида ўша даврда давлатдаги 2,9 миллион пенсионер ва 400 минг ногиронларнинг<sup>4</sup> стабил пенсия ва тўловларни олиш имконини берди.

Пенсия бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан ижтимоий ҳимоянинг ичида кўрилиб чиқилган. Масалан: М. Бабич ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот кўринишларининг умумий ҳолати ижтимоий ҳимояни беради ва у тиббий ёрдам, касаллик, ишсизлик ва қарилик бўйича нафақалар, оила нафақалари, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар кўринишида бўлишини изоҳлаган<sup>5</sup>.

3. Бодие пенсияни яхлит иқтисодий категория сифатида қараб чиқиб, пенсия ишчининг муайян молиявий муассаса билан иш фаолияти давомидаги даромадлар ва турмуш даражасини сақлаб қолиш мақсадида тузилган узок муддатли шартнома сифатида қараган<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Вазирликнинг Ўзбекистон Республикасининг 1991 - 1992 йй ижтимоий таъминоти статистик ҳисоботи.

<sup>5</sup> А.М.Бабич, Е.Н.Егоров, Е.Н.Жильцов. Экономика социального страхования. Курс лекций.

М.: ТЕИС, 1998. с.31

<sup>6</sup> Z.Bodie. Investment Management and Technology: Past, Present and Future, p.1.

## **1.2. Ижтимоий ҳимоялашнинг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ва роли.**

Ижтимоий ҳимоя яхлит тизим сифатида намоён бўлиб, қонуний, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларнинг ўзаро боғлиқлигида ўз аксини топади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими мамлакатнинг иқтисодий ва демократик тараққиёт даражаси уларнинг аҳоли манфаатларига мувофиқлиги, ижтимоий сиёсат даражаси, ижтимоий таъминот тизими каби омилларга боғлиқ ҳолда ривожланиб боради.

Маълумки, ижтимоий ҳимоя тизими иккита асосий вазифани бажаради:

- ижтимоий тўловлар вазифаси;
- ижтимоий хизматлар вазифаси.

Ижтимоий тўловлар асосан аҳолининг энг кам таъминланган қисмигагина тақдим этилади. Аҳолининг кам таъминланган қисми дейилганда зарур бўлган истеъмол андозаларига энг кам эга бўлган жамият аъзолари тушунилади.<sup>7</sup>

Моддий ёрдам фақат кам таъминланган оилаларга, уларнинг моддий ва мулкӣ аҳволи махсус комиссия томонидан текширилиб, ҳақиқатан ҳам ижтимоий ёрдамга муҳтож деб топилган оилаларга ажратилади. Моддий ёрдам пулининг миқдори амалдаги энг кам иш ҳақининг 1,5 дан 3 бараварига тенг бўлиши мумкин ва уч ой муддатга тайинланади.

Ижтимоий ҳимоянинг йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланган ижтимоий хизматлар асосан ногиронларга, кўп болали оилалар ва қарияларга кўрсатилади. Ижтимоий хизматлар турли шаклларда амалга оширилади: интернат уйлари, ижтимоий хизматлар худудий марказлари ва бошқалар. Ижтимоий ҳимоя барча аҳоли қатламларига қаратилган бўлиб, ижтимоий кафолатлар тизими орқали амалга оширилади. Давлат ижтимоий кафолатлар тизимининг асоси бўлиб минимал ижтимоий стандартлар ҳисобланади.

---

<sup>7</sup> Рофе А.Н, Жуков А.Л. Теоритические основы экономики и социологии труда. –М.: МИК, 1999, -С.45.

Ижтимоий ҳимоянинг қуйидагича таъсаввур этиш мумкин:



1.2.1-расм. Ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишлари.<sup>8</sup>

Минимал ижтимоий стандартлар – бу Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан ўрнатилган меъёрлар бўлиб, ижтимоий ҳимоянинг минимал даражасини таъминлайди. Бундай ижтимоий стандартлар нафақалар тўлашда, меҳнат ҳақини тақдим этишда, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларда ўз аксини топади.<sup>9</sup>

Германияда XIX асрдан бошлаб ижтимоий дастурлар амалга оширилиб келинган. Умуман олганда, ривожланган мамлакатлардаги умумдавлат ижтимоий дастурларининг амалга оширила бошланган йили турлича (1-Иловага қаранг).

<sup>8</sup> Турли манбалар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>9</sup> Камаева В.Д., Лобачевой Е.Н., Экономическая теория. –М.: Юрайт-Издат, 2006. –С. 401.

Ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий бўғинларидир.

Ижтимоий таъминот пенсия таъминоти, нафақалар билан таъминлаш, аҳолининг айрим табақалари учун белгиланган имтиёз ва компенсациялар тизими ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатишни ўз ичига олади.

Давлат ижтимоий таъминоти - бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кексайганда, касаллик рўй берганда, меҳнатга лаёқатини қисман ёки бутунлай йўқотганида, боқувчисини йўқотганида, шунингдек, болали оилаларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш давлат тизимидир.

Ижтимоий таъминот қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади: давлат ижтимоий суғуртаси, республика бюджети маблағлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари. Иқтисодий ислоҳ қилиш даврида ижтимоий таъминотнинг жамоат ташкилотлари ва хусусий шахслар фаолияти билан боғлиқ шакллари ривож топади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни бир вақтнинг ўзида амал қиладиган ва бир-бирини тўлдирувчи тўртта қуйидаги тизимга ажратиш мумкин. Булар: давлат ижтимоий таъминоти, давлат ижтимоий суғуртаси, жамоа ижтимоий суғуртаси ва шахсий суғурта.

Ижтимоий суғурта иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли хавф-хатардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклландуви махсус бюджетдан ташқари ижтимоий фондлардан молиялаштирилиши ижтимоий суғуртанинг хусусиятли жиҳатидир.<sup>10</sup>

Давлат ижтимоий таъминоти аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига пулли нафақалар воситасида кўрсатиладиган ёрдамдир. Солиқлар ва бошқа

<sup>10</sup> Мажидов Н.М., Файзиёва Ш.Р. Ижтимоий суғурта – давлатнинг ижтимоий сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисми. // Иқтисодийнинг долзарб масалалари. Илмий ишлар тўплами. 2012, № 1, -Б. 4.

бюджет тушумлари ҳисобига молиялаштириладиган бу ёрдам уларга минимал турмуш даражасини кафолатлайди.

Давлат ижтимоий суғуртаси мажбурий бўлиб, иш берувчилар ва ходимларнинг суғурта бадаллари, давлат томонидан ажратиладиган дотациялар ҳисобига молиялаштирилади.

Жамоа суғуртаси етарли турмуш даражасини кафолатлайди. У мажбурий ёки ихтиёрий равишда амалга оширилиши мумкин, бунда иш берувчилар ва ходимларнинг суғурта бадаллари тўлов манбалари бўлиб хизмат қилади.

Шахсий суғурта фаровонликнинг юқори даражасини кафолатлайди, у ихтиёрий равишда, фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ижтимоий ёрдамнинг қуйидаги турлари билан таъминланади:

- пенсиялар;
- нафақалар;
- имтиёзлар, афзалликлар ва хизматлар;
- бир йўла (номунтазам) бериладиган моддий ёрдам.

Қуйидагилар ижтимоий ҳимоялаш объектлари бўлиб ҳисобланади;

- пенсия ёшига етганлар;
- ногиронлар;
- боқувчисини йўқотган болалар;
- кам таъминланган оилалар болалари;
- ишсизлар;
- ҳомиладор аёллар ва ёш болаларга қараш билан бандлиги туфайли ишламаётган аёллар;
- касаллик туфайли вақтинча ишламаётганлар;
- ўқувчи ёшлар;

- меҳнатга лаёқатсизларга қараш билан банд бўлган ишламаётган меҳнатга лаёқатли фуқаролар.

Пенсионерлар - булар пенсия ёшига етганлиги ёки ногиронлик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, шунингдек, боқувчисини йўқотган болалар (етимлар)дир. Шахсларнинг бу тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш пенсия таъминоти тизими орқали амалга оширилади.

Барча ижтимоий ёрдам турларининг йиғиндиси шахсий даромадларни ҳисобга олган ҳолда расмий белгиланган тирикчилик қилиш учун зарур минимумдан ошиб ҳам кетмаслиги, кам ҳам бўлмаслиги керак. Бу шартга риоя қилмаслик боқимандаликнинг авж олиши ёки ижтимоий ҳимоя тушунчасини камситишга олиб келади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини ривожлантириш босқичлари ва истикболлари демографик вазиятни ва мумкин бўлган ўзгаришларни ҳам назарда тутиши керак. Масалан, Ўзбекистондаги демографик вазиятнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ярмидан кўпроқ қисми меҳнатга лаёқатсиз бўлиб ҳисобланади. Аммо, собиқ иттифоқнинг Европа қисмидаги мамлакатлардан фарқ қилиб, Ўзбекистондаги меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг 60 фоизга яқинини болалар ташкил қилади, яъни 9,5 миллионга яқин киши меҳнат қилиш ёшига етмаган ва бунда аҳоли табиий ўсишининг юқори суръати сақланиб турибди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг катта қисмини Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар ташкил этади. Бу фуқаролар ўз навбатида икки асосий гуруҳга бўлинади - ижтимоий фойдали меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган шахслар ва меҳнат қилиш ёшига етмаган шахслар. Шунга кўра, ижтимоий ёрдамни икки асосий турга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- пенсия кўринишидаги ёрдам;
- нафақа кўринишидаги ёрдам.

Катта ёшлилар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотганларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида пенсия таъминоти асосий бўғин бўлиб ҳисобланади. У бир неча вазифани бажаради, уларнинг энг муҳими меҳнат қобилиятини йўқотганликдаги компенсациядир.

### **1.3. Пенсия тизими аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасининг муҳим бўғини сифатида.**

Бугунги ижтимоий муносабатларга доир масалаларга мурожаат қилинганда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ҳар сафар “Бизнинг халқимиз учун муқаддас бўлган қадриятларимиздан келиб чиқиб, улкан тарихий меъросга таянган ҳолда умум эътироф этилган демографик тамойиллар ва меъёрларга риоя қилиб”<sup>11</sup> ёндашиш лозим.

Ижтимоий ҳимоя тизими ҳозирги иқтисодий ислохатлар даврида жамиятнинг ҳал этилиши зарур бўлган ижтимоий муаммоларини ўзида мужассамлаштирган категория сифатида амал қилмоқда. Ижтимоий ҳимоянинг асосий бўғини сифатида пенсия тизими майдонга чиқади.

Кўплаб олимларнинг фикрича, кенг умумсоциологик маънодаги ижтимоий ҳимоя концепцияси биринчи бор 1935 йилда АҚШнинг “Ижтимоий хавфсизлик бўйича қонуни”да қўлланилган. Ушбу қонунда қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳақида таклифлар келтирилган.

Кейинчалик “ижтимоий ҳимоя” тушунчасининг мазмуни Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларида мукаммаллаштирилган, ҳамда ушбу муаммонинг моҳияти аниқроқ кўрсатилган. Бундан ташқари, ушбу тушунча мамлакатнинг ижтимоий сиёсатида кенг қўлланилиб, у ўз ичига меҳнат

<sup>11</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис XIV сессиясидаги нутқ. 14 апрель 1999 й. Т. Ўзбекистон, 1999 –Б. 141

соҳаси, аҳоли бандлиги, ўқитиш, ҳар бир фуқаронинг ўз иқтисодий фаолиятида даромадга эга бўлиши, истеъмолчилар ҳимояси, товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий таъминот тизими ва аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмига пенсиялар, нафақалар, турли хил имтиёзлар беришни қамраб олади.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидаги энг асосий масала пенсия таъминоти масаласидир. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор муносабатлари ривожланган сари меҳнат фаолиятини амалга ошира олмайдиган аҳоли қатламининг ижтимоий муҳофазаси муаммоли тус ола боради. Ривожланган мамлакатларда аҳоли даромадлар даражаси, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилганлик усуллари (ёлланиб ишловчилар, ўзини-ўзи банд этувчилар) бўйича чуқур дифференциациялашган бўлиб, бу ўз навбатида меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган турли социал ва профессионал рисклар туфайли даромадидан ажралиб қолишга олиб келиши ва ушбу ҳолатдан ҳимояланиш усуллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Бозор муносабатларининг натижалари – ностабиллик стабилликни, даромадлар дифференциацияси даромадларни адолатли қайта тақсимланишини, инфляция нархлар бошқарувини, ишсизлик ижтимоий кафолатларни талаб этади. Шунинг учун пенсия тизими жамиятдаги доимий ижтимоий баланс стабиллигини ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминловчи зарурий механизм ҳисобланади.

Пенсия таъминоти - бу қарилик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотган шароитда моддий таъминотсиз қолган аҳоли қатламларини моддий таъминотини таъминловчи ҳуқуқий, иқтисодий чоралар тизимидир.

Пенсия таъминоти тизими олдида учта муҳим мақсадлар туради:

- фуқароларни кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялаш;
- меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдидан тўланади-

ган иш ҳақи миқдорига мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш;

- бу даромадни келажакда турмуш даражасининг пасайишидан ҳимоялаш.

Пенсия тизими жамиятнинг турли ижтимоий қатламларининг манфаатларини қондириш учун мўлжалланган, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий институтларни бирлаштирувчи мураккаб организмдир.

Биринчи пенсия тизими 100 йил олдин пайдо бўлганига ва бир неча ислоҳот босқичларини ўтганига қарамай, бугунги кунда пенсия таъминотидаги муаммолар ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам кучайди. Бу, биринчи навбатда демографик вазият билан боғлиқ, чунки ўтмишда ўтказилган ислоҳотлар ҳар доим ҳам ушбу ҳолатни инобатга олмайди. Ҳозирда бир қатор Европа давлатларидаги демографик вазият қуйидагича кўринишга эга: ақолининг меҳнатга яроқли қисмининг ўсиш тенденцияси пасайиб ёки умуман қисқариб бормоқда. Бунда 60 ва ҳатто 80 ёшли аҳоли қатламининг улуши кескин ортиб бормоқда, бу эса пенсионерлар сонини ошишига олиб келмоқда (1.3.1-жадвал).

### 1.3.1-жадвал.

**Аҳоли улушида 60 ва ундан юқори бўлган ёш гуруҳининг улуши, фоиз ҳисобида.<sup>12</sup>**


Мамлакатлар	Йиллар						
	1980	1990	2000	2010	2020	2030	2040
Германия	15,5	15,5	17,1	20,4	21,7	25,8	27,6
Франция	14,0	13,8	15,3	16,3	19,5	21,8	22,7
Италия	13,5	13,6	15,3	17,3	19,4	21,9	24,2
Буюк Британия	14,9	15,1	14,5	14,6	16,3	19,2	20,4

<sup>12</sup> National Research Council. Preparing for an aging world: The Case for Cross-national Research, Committee on Population and Committee on National Statistics, Division of Behavioral and Social Sciences and Education. Washington, DC: National Academy Press, 2001.

Демографик прогнозналга кўра, ривожланган мамлакатлардаги аҳоли қариши жараёни жадал тус олади ( 2-иловага қаранг).

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётнинг ривожланиши ва аҳолининг турмуш шароитининг яхшиланиши нафақат демографик вазиятни кескинлаштирда, балки пенсия тизимига таъсирини ўтказувчи янги факторларни келтириб чиқарди. Уларга туғилиш қисқарган шароитда умр кўриш узунлигининг ортиши; пенсияга вақтли чиқиш, яъни меҳнат даврининг ва бадал тўлов даврининг қисқариши; меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламига боғлиқлик (қарамлик) коэффициентининг ошиши киради.


2000 йили дунё бўйича 65 ёшли аҳоли сони 419 млн. нафар деб ҳисобланган. Бу кўрсаткич 1950 йилга нисбатан 298 млн. нафарга, 1995 йилга нисбатан эса 99 млн. нафарга кўп. БМТ маълумотларига қараганда, 2000 йилда юқори ёшдаги аҳоли қатлами ҳар ойда 750 000 нафарга ошган, прогнозларга кўра, 2020 йилга келиб эса бу ўсиш ойига 2 000 000 ни ташкил этади. Ёки фоиз ҳисобида кўриладиган бўлса, бутун дунёдаги аҳолининг 60 ёшдан ошган қисми 1990 йилда 10 фоизни ташкил этган бўлса (1.3.1-расм), ушбу кўрсаткич 2030 йилга келиб 17 фоизга етади (1.3.2-расм).



**1.3.1 - расм. Минтақалар бўйича 1990 йилдаги 60 ёшдан юқори аҳоли (фоиз да)<sup>13</sup>.**

<sup>13</sup> Эстель Джеймс. Многоуровневые пенсионные системы: сходства и различия. С.1.

Яъни, 40 йил давомида дунё бўйича 60 ёшдан юқори аҳоли етти фоизга ортганни кўриш мумкин.



**1.3.2 - расм. Минтақалар бўйича 2030 йилдаги кутилаётган 60 ёшдан ошган аҳоли (фоиз да)<sup>14</sup>.**

Агар мамлакатдаги аҳолининг 12 фоиз қисми меҳнатга яроқлилик ёшидан юқори бўлса, мамлакат аҳолиси қарилик босқичига етганини билдиради. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистон Республикасида 2008 йилда 55 ёшдан юқори ёшли аҳоли қатлами 8,5 фоиз бўлган бўлса, 2011 йилга келиб ушбу кўрсаткич 9,2 фоизга етган, яъни 3 йил давомида 0,7фоизга ортган ва у прогрессив тусга эга (1.3.2 -жадвал).

**1.3.2-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасидаги аҳолининг ёши бўйича тақсимланиш тузилмаси<sup>15</sup>.**

Йиллар	Жами (фоиз)	Шу жумладан ёш бўйича (фоиз)						
		16 ёшгача	16-24	25-29	30-39	40-49	50-54	55 дан юқори
2008	100	33,3	20,2	8,6	14	11,5	3,9	8,5
2009	100	32,7	20,3	8,7	14	11,5	4,2	8,6
2010	100	32,1	20,2	8,9	14,2	11,4	4,4	8,8
2011	100	31,2	19,8	9,2	14,4	11,5	4,7	9,2

<sup>14</sup> Эстель Джеймс. Многоуровневые пенсионные системы: сходства и различия. С.1.

<sup>15</sup> Турли манбалар асосида муаллиф томонидан ишланган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий самарали шаклларни қўллашни талаб этади.

Пенсия тизимларининг принципиал тафовути уларнинг молиялаштирилиш шаклларидадир. Дунёда пенсия тизимини молиялашнинг икки хил шакли мавжуд:

1. Қайта тақсимлаш пенсия тизими. Бунда жорий пенсия харажатлари жорий тушумлар ҳисобига қопланади. Ушбу метод PAYG (pay-as-you-go) – “юрар экансан, тўла” номини олган.
2. Жамғариш методи. Бунда маблағлар маҳсус фонд (резерв) ташкил этиш учун йўналтирилади ва ушбу маблағлар жорий ва келажакдаги пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда пенсия тизими қайта тақсимлаш пенсия тизимига асосланади. Тажрибага<sup>16</sup> Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан жалб қилинган 58 мамлакатдан 44 тасининг пенсия тизими қайта тақсимлаш пенсия тизимида эканлиги аниқланган. Бу каби мамлакатлардаги давлат пенсия фонди ёки бошқа мос давлат ташкилоти пул маблағларининг аккумуляцияси билан шуғулланади.

Жамғарма пенсия тизими эса пул фондларида жамғарилган пенсия маблағларга асосланган тарзда пенсия тўловини амалга ошириладиган тизимга айтилади.

Жамғарма пенсия таъминоти функцияси ўзида узоқ муддатли инвестицион жараённи намоён этиб, қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1) биринчи босқичда жамғарма пенсия фондига бадал кўринишидаги қўйилмалар қўйилади;

<sup>16</sup> Social security, including social protection of public employees in respect of invalidity, retirement and survivors benefits. Geneva, ILO, 1988.

- 2) иккинчи босқичда жамғарилган пенсион пул маблағларининг инвестиция жараёни бўлиб ўтади. Ушбу инвестицион жараённинг асосий томонлари қабул қилинган қоидалар, бадал ва пенсия ҳажмига қараб аниқланилади.
- 3) учинчи босқичда доимий даврий пенсия тўловлари амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, пенсия фондлари мамлакат молиявий тизимининг стабилизатори бўлиб хизмат қилади, чунки улар узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида қимматли қоғозларга эга бўлади ва биржа ўйинларида камдан-кам иштирок этишади. Пенсия фондлари ёрдамида бўш пул ресурслари ишчи капитали оқимиغا трансформациялашади, шунинг учун улар муҳим инвесторлар ҳисобланади.

Оҳирги йиллардаги тажриба кўплаб ривожланган мамлакатлардаги пенсия тизими уч босқичли эканлигини кўрсатмоқда.

1. Биринчи босқичнинг мақсади – ижтимоий, камбағалликдан ҳимоя қилиш. Ушбу босқич муайян яшаш минимумини кафолатлайди. Ушбу мақсадни давлат ижтимоий қайта тақсимлаш тизими амалга оширади. Ижтимоий пенсия дифференциацияси (стаж, меҳнат ҳиссаси, ойлик иш ҳақи ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқлик) мавжуд эмас ёки минимал даражада.
2. Иккинчи босқичнинг мақсади пенсионерни унга одатий бўлган даражада таъминлаш. Ушбу босқич аҳолининг актив ҳолатда ишлаётган қисмига мос бўлиб, уни меҳнатга яроқли даврида жамғаришга рағбатлантиради ва ушбу жамғармани пенсия ёшида истеъмолини таъминлайди. Ушбу мақсадни давлат ёки унинг назорати остида ташкил этиладиган мажбурий пенсия тизими амалга оширади.
3. Учинчи босқичнинг мақсади эса индивидуал кўшимча ихтиёрий пенсия таъминоти ҳисобланади. Ушбу босқич суғурта компаниялари, банклар,

хусусий пенсия ва бошқа фондлар томонидан амалга оширилади. Давлат одатда бу босқичда қатнашмайди.

Аҳолининг қариб бориш жараёни жадаллашуви ва бандлик шаклларининг ўзгариши (бандларнинг умумий ҳажмининг қисқариши, ноформал ва хусусий бандликнинг ошиши ҳамда касаначилик) билан солидар пенсия тизимида ЯИМ таркибида пенсионерларни таъминлаш учун ажратиладиган харажатлар ошиши, шунингдек, жамиятдаги меҳнат фаолияти билан банд аҳоли қатламига юк оғирлашади.

Шу ҳолатга мувофиқ 1960 йилдан 1985 йилгача Иқтисодий Ҳамкорликни ривожлантириш ташкилоти (ИХРТ) аъзоларида пенсия харажатлари ЯИМ ўсишидан икки баравар тезроқ ўсишга эга бўлган. Ҳозирги кунда ИХРТ мамлакатлари пенсияга ЯИМнинг ўртача 9фоизи ҳисобида харажатни амалга оширади ва бу кўрсаткич мамлакатлар бўйича ҳар хил кўринишга эга. Масалан, Австрияда давлат пенсия харажатлари 15фоиз атрофида, Италияда – 14фоиз, Францияда – 13фоиз, АҚШда – 6,5фоиз, Японияда – 5фоиз ва Канадада – 4.5фоиз га тенг.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда ҳар 65 ёшдан ошган инсон ҳисобига 4 – 5 нафар меҳнатга яроқли инсонлар тўғри келади. Бироқ 20–25 йил ичида ушбу кўрсаткич Европа мамлакатларида 1:1,2 нисбатда; АҚШда эса 1:3,5 нисбатда бўлади. ИХРТ экспертлари ҳисоб–китобига кўра, Япония ва Европа мамлакатларида янги асрнинг биринчи ўн йилликларида ЯИМ таркибидаги пенсия харажатлари 14 – 20 фоизгача ошади.

Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа қисмлари узвий боғлиқ бўлиб, тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мавжуд пенсия тизими ислохотининг стратегияси пенсия тизимини ташкилий ва қонуний жиҳатдан янгилаш бўлиб, бу пенсия таъминотининг молиявий мувозанатини яхшилайти, унинг самарадорлиги таъминлайди.

## 1 боб бўйича хулосалар.

Пенсия тизими жамиятнинг турли ижтимоий қатламларининг манфаатларини қондириш учун мўлжалланган, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий институтларни бирлаштирувчи мураккаб организмдир. Пенсия тизими ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоғи ҳисобланади.

Пенсия тизимининг ўз тарихига эга. Илк пенсия тизими кўринишлари Германия (1880й.), Буюк Британия (1906й.), АҚШ (1930й.)да вужудга келган.

Пенсия таъминоти тизими олдида учта муҳим мақсадлар туради:

- фуқароларни кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялаш;
- меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдидадан тўланадиган иш ҳақи миқдорига мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш;
- бу даромадни келажакда турмуш даражасининг пасайишидан ҳимоялаш.

Оҳирги йиллардаги тажриба кўплаб ривожланган мамлакатлардаги пенсия тизими уч босқичли эканлигини кўрсатмоқда.

Биринчи босқичнинг мақсади – ижтимоий, камбағалликдан ҳимоя қилиш.

Иккинчи босқичнинг мақсади – пенсионерни унга одатий бўлган даражада таъминлаш.

Учинчи босқичнинг мақсади – индивидуал кўшимча ихтиёрий пенсия таъминоти ҳисобланади.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётнинг ривожланиши ва аҳолининг турмуш шароитининг яхшиланиши нафақат демографик вазиятни кескинлаштиради, балки пенсия тизимига таъсирини ўтказувчи янги факторларни келтириб чиқарди. Уларга туғилиш қисқарган шароитда умр кўриш узунлигининг ортиши; пенсияга вақтли чиқиш, яъни меҳнат даврининг ва бадал тўлов даврининг қисқариши; меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламига боғлиқлик (қарамлик) коэффициентининг ошиши киради.

## **2 Боб. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси.**

### **2.1. Марказий Европа ва АҚШ пенсия тизими ислохотлари.**

Ривожланган ғарб мамлакатлари фуқаролари учун пенсия таъминоти ёш авлод томонидан ишлаб топилган пулни қайта тақсимлаш эмас, балки ўзларининг маблағларини тасарруф этиш тушунилади.

Қарияларни таъминлаш билан боғлиқ молиявий мажбурият ЯИМнинг аҳамиятли қисмини эгаллайди. XX-асрнинг 90-йиллари бошларида Италияда пенсия таъминоти харажатлари ЯИМнинг 14,2фоиз, Францияда – 13,3фоиз, Германияда – 12,3фоиз, Швецияда – 11,3фоиз, АҚШда – 6,9фоиз, Буюк Британияда – 6,4фоиз, Канадада – 6,0фоиз, Японияда – 5,7фоиз бўлган ва бу кўрсаткич ўсиб борган<sup>17</sup>.

Эстония, Туркия ва Польшада ЯИМдан хусусий пенсия таъминотига ажратмалар амалга оширилмайди. 2007 йил АҚШ ЯИМдан 16,2фоиз давлат пенсия таъминотига ва 10,5фоиз хусусий пенсия таъминотига ажратилади. Кореяда ушбу кўрсаткич мос равишда 7,5фоиз ва 2,6фоиз, Францияда эса 28,4фоиз ва 2,9фоиз, Белгияда 26,3фоиз ва 4,7фоиз ни ташкил этган ( 3-иловага қаранг).

Демак, давлат ва хусусий пенсия таъминотига ЯИМ ҳисобидан юқорида келтирилган мамлакатлар ичида энг кўп харажатни Франция (31,3фоиз), Бельгия (31,1фоиз), Швейцария (30,2фоиз), Дания (28,7фоиз) ва Австрия (28,2фоиз) мамлакатлари киритса, энг кам харажатларни Мексика (7,4фоиз), Корея (10,2фоиз), Туркия (10,5фоиз), Чили (11,8фоиз) ва Эстония (13,0фоиз) давлатлари амалга оширади ( 3-иловага қаранг).

Давлат пенсия тизимининг асосий молиявий манбаи ижтимоий суғурта тизимига киритиладиган тўловлар ҳисобланади. У умумий ойлик иш

---

<sup>17</sup> Aging Population and Public Pension Schemes. Washington D.C., 1996.

ҳақининг ҳажмига боғлиқ бўлиб, турли мамлакатларда турлича кўрсаткичга (Канадада 5фоиз, Италияда 27фоиз гача) эга. Айрим мамлакатлар (АҚШ, Канада, Япония)да тўловлар иш берувчи ва ишчилар томонидан тенг миқдорда тўланилади, бошқа мамлакатлар (Испания, Италия)да эса иш берувчи зиммасига юк кўпроқ тушади (2.1.1-жадвал).

Кўп мамлакатларга оид хусусиятга кўра, солидар тизим бўйича давлат пенсия суғуртасига суғурта пенсия тўловларини бир хилда тақсимланиши ҳисобланади. Германияда ушбу кўрсаткич бир хилда тақсимланган - 19,4фоиз дан иш берувчи ва ишчи зиммасига тушади, Буюк Британия ва Францияда иш берувчилар ишчиларга нисбатан кўпроқ тўлашади, Ирландия ва Испанияда иш берувчиларнинг суғурта пенсия тўловлари ишчиларга нисбатан бир неча баробарга ошиб кетади. Умумий тенденция мазкур мамлакатлардаги суғурта пенсия тўловларини иш берувчи ва ишчилар ўртасида тенглаштиришдан далолат беради (2.1.1-жадвал).

Бир қатор ривожланган мамлакатларда пенсия индексацияси истеъмол нархларига боғлиқ ҳолатда амалга оширилади. Германия, Франция ва Японияда пенсия истеъмол нархларига кўра эмас, балки ойлик иш ҳақи ўзгаришига мувофиқ индексация қилинади.

Ривожланган мамлакатларда давлат пенсиясидан ташқари ҳусусий пенсия суғуртаси тизими ҳам жорий қилинган бўлиб, у профессионал ёки индивидуал жамғарма асосида қурилиши мумкин бўлган. Бугунги кунда Европа давлати аҳолисининг учдан бир қисми аҳолини профессионал пенсия суғуртаси принципида қурилган турли хилдаги тизимларга жалб этилган.

Профессионал тизимлар давлат ва индивидуал схемаларидан фарқли ўлароқ иш берувчилар томонидан молиялаштирилиб, фирманинг ихтиёрий ажратмалари ёки жамоа шартномаларидаги мавжуд шартларга таянади. Профессионал схемалар давлатнинг минимал аралашуви остида ва нисбатан кам маъмурий харажатларга эга бўлади.

Бундай тизимда ишчига келажакда тўланиладиган пенсия унинг стажи ва ойлик иш ҳақисининг ҳажмига боғлиқ бўлади.

### 2.1.1.-жадвал.

#### Ғарбий Европа мамлакатларидаги суғурта пенсия тўловлари ҳажми.<sup>18</sup>

Мамлакат	Суғурта пенсия тўловлари ҳажми (фоиз)			
	Молиялаштиришнинг 1- босқичи		2-босқич	3-босқич
	Иш берувчи	Ишчи	Молиялаштири- лиши	Молиялаштири- лиши
Франция	9,9	9,65	Молиялаштириш	Хусусий пенсиялар
Германия	19,4	19,4	Молиялаштириш	Хусусий пенсиялар
Буюк Британия	12,8	11 ва юқори тўланиладиган ишчилар учун плюс 1фоиз	Молиялаштириш	Пайдан тўланиладиган персонал пенсия
Ирландия	8,5 – агар ҳафталик иш ҳақи 355 евродан кам бўлса, 10,75 – агар ушбу суммадан кўп бўлса.	4	Молиялаштириш	Хусусий пенсиялар
Нидерландия	5,65	19	Молиялаштириш	Хусусий пенсиялар
Испания	23.6	4,7	Молиялаштириш	Хусусий пенсиялар

Ривожланган Европа мамлакатларидаги пенсия тизими икки босқичдан иборат: қайта тақсимлаш принципига таянган асосий босқич ва одатда жамғарма механизмига таянадиган қўшимча босқич. Бироқ Европадаги ҳар хил мамлакатлар тарихий анъаналар, жорий ижтимоий-сиёсий вазият,

<sup>18</sup> National officials, OECD calculation and Turner, 2007.

иқтисодий имкониятлар ва бир қатор бошқа факторларга кўра ушбу икки босқични ҳар хил қоришмасидан фойдаланади. Буткул ўхшаш икки пенсия тизимига эга давлатни топиш қийин.

Жанубий Европа давлатларида қайта тақсимлаш механизми ҳукмрон бўлса, минтақанинг марказий ва шимолий қисмларида жамғарма механизми машҳур.

Кўплаб мамлакатларда кўшимча пенсиялар ижтимоий таъминот тизимининг асосий жабҳаси ҳисобланади. Бундай мамлакатлар қаторига Франция, Германия, Буюк Британия, Дания, Нидерландия, Швеция, Финляндия, Ирландия, Грецияни киритиш мумкин. Бироқ улар орасида кўшимча пенсия тўловларини ташкиллаштиришда бир қатор фарқланишлар мавжуд. Энг катта фарқ шундан иборатки, ҳамма кўшимча тизим жамғарма тизим эмас. Франция, Германия, Швеция ва Финляндияда умумдавлат кўшимча пенсия тизимлари ўз асосида қайта тақсимлаш механизмига эга.

Европада қайта тақсимлаш тизимлари икки катта категорияга бўлинади: белгиланган тўловлар тизими ва белгиланган бадаллар тизими. Икки тизим ҳар хил бошқарув усулларига таянади, бироқ уларнинг умумий асослари бир. Белгиланган тўловлар тизими ўз навбатида қатъий белгиланган абсолют пенсия ҳажми тизими (бунда пенсия ҳажми ойлик иш ҳақиға боғлиқ бўлмайди) ва пенсия ҳажми ойлик иш ҳақиға боғлиқ бўлган тизимга бўлинади.

Шимоли-Ғарбий Европа мамлакатларида қатъий белгиланган абсолют пенсия ҳажми тизимиға урғу берилган, лекин бундай пенсия ҳажмини аниқлашнинг турли ёндашувлари мавжуд. Масалан, Буюк Британия ва Ирландияда пенсия ҳажми иш фаолиятининг давомийлигига, Нидерландия ва Данияда мазкур давлатлардаги умр кўриш узунлигига боғлиқ<sup>19</sup>.

<sup>19</sup> Рейно Э. Финанасирование пенсий по старости: распределительнке и накопительнке системк в Европейском Союзе // Пенсия. 1996. №1.

Кам миқдордаги компаниялар суғуртани йўлга қўйган. Бунда пенсия ҳуқуқларининг хавфсизлиги контракт тузилган компаниянинг яшаш давомийлигига боғлиқ. Европа иттифоқи мамлакатларидаги бу каби компаниялар фаолияти махсус қонун билан тартибга солинади ва қатъий назоратда бўлади.

Умуман олганда, Европада қайта тақсимлаш механизмининг жамғарма механиқмига нисбатан ўрни катта.

Дунёдаги биринчи солидар схемага таянган, меҳнат қилувчилар учун кексалик ёшига етиши оқибатида тўланиладиган давлат пенсия тизими асосчиси Германия канцлери Отто фон Бисмарк (1889 йил) бўлган. XX- асрга келиб ушбу моделни дунёдаги турли мамлакатлар ўзлаштира бошлади ва у “континентал” (айрим пайт “бисмарк”) номини олди.

Германиянинг давлат пенсия тизими ҳозирга қадар энг консерватив ҳисобланади. Пенсия ёши аёл ва эркаклар учун умумий ёш – 67 ёш ҳисобланади (2012 йилдан 2030 йилгача). Пенсия қайта тақсимлаш характериға эға бўлиб, унинг ҳажми ойлик иш ҳақи ва меҳнат стажига боғлиқ. Иш берувчи ва ишчи давлат пенсия фондига меҳнат тўлови фондидан бир хил сумма – 19,4фоиз ажратишади.

Йирик корхонада ишлаганлар қўшимча тарзда ишлаб чиқариш пенсиясини ҳам олади. Ушбу пенсиянинг мавжудлиги корхонада касаба уюшмаси ва маъмурият томонидан келишилган ҳолда пенсия кассаси тузилганлигига боғлиқ. Ишлаб чиқариш пенсияси иш берувчининг даромади ва ишчининг стажига боғлиқ. 10 йиллик стажға эға ишчи ушбу турдаги пенсия олиши мумкин. Ишлаб чиқариш пенсиясини тахминан ярим немис пенсионерлари олади.

Барча давлат ишчилари қўшимча пенсияға эға бўлиб, унинг ҳажми қарилик пенсияси билан тенг.

Ишловчиларнинг бир қисми ихтиёрий профессионал пенсия тизимларида қатнашади. Германия суғурта компаниялари ёки Пенсия кассаларидаги ихтиёрий пенсия суғуртаси аҳолининг ўз ихтиёрига топширилган, бунда давлат солиқ имтиёзлари билан рағбатлантиради.

Буюк Британиянинг пенсия тизими дунёдаги энг қадимий ижтимоий суғурта тизимларидан (1908 йил) ва ташкилий, бошқарув, келажакдаги пенсионерлар учун имкониятлар тўплами жиҳатдан энг мураккабларидан бири ҳисобланади. 1944 йилдаги лорд уилям Бевериджнинг комиссия доклади хулосаларига ва 1982-1986 йиллардаги ислохотларга кўра тизим икки маротаба глобал қайта қуришга дуч келган. Тизимнинг модел типини “англо-саксон” (айрим пайтлар бу каби тизимларни Беверидж тизими) деб аталади.

Британия тизимида пенсионерлар учта манбадан тўловлар олишлари мумкин: базавий ижтимоий пенсия, миллий суғурта схемасидан меҳнат пенсияси (ойлик иш ҳақи ва стажга боғлиқ бўлган “иккинчи” давлат пенсияси) ва ихтиёрий жамғармалардан профессионал пенсия схемалари.

Базавий босқичнинг асосий элементи базавий давлат пенсияси (Basic State Pension, BSP) ҳисобланади. Уни зарурий йиллар давомида суғурта бадалларини тўлаган 65 ёшдан ошган эркеклар ва 60 ёшдан ошган аёллар олиш ҳуқуқига эга. Агар ишчининг ойлик иш ҳақиси белгиланган даражадан кўп бўлса, у ушбу бадалларни тўлайди ва шу йўл орқали маҳсус суғурта стажига эга бўлади. Ана шу стажга боғлиқ равишда базавий пенсия миқдори аниқланилади. Базавий пенсия белгиланган миқдордан ошмаслиги керак. Кўп йиллар давомида базавий пенсия нархлар ошишига кўра индексация қилинган ва бу ялпи пенсион тўловларда унинг ҳиссасини камайишига олиб келди.

Иккинчи мажбурий босқич ҳам қайта тақсимлаш бўлиб, у ишчи киритган бадаллар ҳисобига молиялаштирилади. Базавий босқичда тўланиладиган

пенсиядан фарқли ўлароқ бу ерда пенсия миқдори тўланган бадаллар миқдори билан тўғри алоқадорликка эга.

Афзал кўриш ҳолатлари айтилмаган тақдирда иккинчи босқични ойлик иш ҳақиға пропорционал бўлган тўловларни назарда тутувчи давлат пенсия дастури таъминлайди. Давлат пенсия дастурида иштирок этишни хоҳламаган фуқаро ундан чиқиб кетиши мумкин, бироқ бунда у кўшимча пенсия таъминоти схемаларидан бирида иштирок этишга мажбур.

Давлат пенсия дастури (State Earnings Related Pension Scheme, SERPS) ойликка боғланган ва профессионал пенсия тизимида иштирок этмаганларни пенсия билан таъминлаш учун тузилган. 2002 йилдан бошлаб ушбу пенсия дастури минимал даромадга эга ва ногиронларни муносиб пенсия даражаси билан таъминлай оладиган “иккинчи давлат пенсия” (State Second Pension, S2P) дастури билан аста-секин шзгартирилиб борилмоёда. Мажбурий пенсия схемалари томонидан таъминланиб бериладиган ўртача ўрин босиш коэффициенти 47,6фоизни ташкил этади.

Шунингдек, Буюк Британияда хусусий пенсия жамғармасининг турли йўллари мавжуд. Профессионал пенсион тизимлар энг кўп тарқалгани ҳисобланади. Ишчилар иш берувчилар билан жамоавий шартнома тузади ва шунинг асосида у бадалларни ажратган ҳолда пенсия тўловларини ташкил этади. Кўплаб профессионал пенсиялар белгиланган тўловлар механизмидан фойдаланади ва бунда тўлов ҳажми охириги ойлик иш ҳақининг муайян қисмига тўғри келади. Шунингдек, белгиланган бадаллар схемаси ҳам қўлланилади, ундаги тўлов даражаси фақат пенсияни расмийлаштириш жараёнида маълум бўлади ва у бадал ҳажми, инвестицион даромад, пенсияга чиқиш ёши боғлиқ бўлади.

Кўшимча пенсия таъминоти пенсияни дифференциялайди: ихтиёрий ва мажбурий схемаларда ўрин босиш коэффициенти энг бой пенсионерлар учун 87фоизни, энг камбағаллари учун эса атиги 21фоизни ташкил этади.

Давлат пенсия схемаси иш ва пенсия бўйича Департамент қошидаги Pension Service (TPS) Пенсия хизмати томонидан бошқарилади.

Бадаллар йиғими бўйича HM Revenue & Customs жавобгар бўлади. The Pensions Regulator профессионал пенсия схемаларини назорат қилади.

АҚШда давлат ва хусусий пенсия тизимлари ҳукмронлик қилади. Шунинг эвазига америкаликлар ўзларини бир эмас учта пенсия тури билан таъминлаши мумкин: давлат, иш жойи бўйича хусусий жамоа ва хусусий пенсия ҳисобини очиш йўли билан хусусий индивидуал пенсиялар.

Қайта тақсимлаш (давлат) тизимида пенсионерлар ҳозирда ишлаётган ва муайян пенсия фондларига бадаллар тўлаётган ишчилар ҳисобига маблағга эга бўлади. АҚШнинг Умумий федерал дастур (Social Security) деб номланган ва иқтисодиётнинг хусусий секторида деярли барча бандларни қамраб олган йирик давлат пенсия тизими қайта тақсимлаш принципида қурилган. Дастур 1935 йилги “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги Қонунга кўра амал қилади. Урушдан кейинги даврда Умумий федерал дастур жуда тез суръатларда ўсди. 1950 йилдан 1995 йилгача ушбу дастурга кўра пенсия тўловлари 1 дан 328 млрд. долл.гача ўсди, тўловни олувчилар ва уларнинг оила аъзолари ўша давр давомида 3,5 дан 43,4 млн. нафарга ошди. Тўланиладиган тўловлар ҳажми ҳам ошди. 15 йил давомида, яъни 1980 – 1995 йиллар оралиғида пенсионер турмуш ўртоғи билан (унга 50фоиз надбавка берилади) оладиган ўртача пенсия миқдори 567 долл.дан 1221 долл.гача, ёки инфляцияни ҳисобга олганда 22фоизга ошган. Ижтимоий суғуртага солинадиган солиқ ставкаси ва солиқ базаси ҳам кўтарилди. Иш хақи фондига тўланиладиган ялпи солиқ ставкаси 1950 йил 3фоиздан 1990 йил 15,3фоизга кўтарилди ва ҳозирга қадар шу ставка сақланилиб қолинмоқда. Ижтимоий солиқ тадбиркор ва ёлланма ишчи томонидан тенг миқдорда - 7,65фоиздан тўланилади. Солиқ ставкаси ўсишига қарамай, Россияга нисбатан (у ерда 38,5фоиз) анча кичик. Пенсия фондига ижтимоий

суғуртага солиқ кўринишида киритилаётган маблағлар деярли пенсия маблағларида тўпланилмайди пенсионерларга ойлик пенсия тўловлари сифатида тўланилади.

Умуман олганда, давлат қайта тақсимлаш тизими инвестицияга эмас, белгиланган муддат ва ҳажмда кафолатланган пенсия тўловларини пенсионерларга тўлашга мўлжалланган.

Умумий федерал дастур 70-йилларда тўловлар киримлардан ошиб кетганида қийинчиликларга дуч келди. Муаммони ижтимоий суғурта ставкаларини ошириш йўли билан ҳал этилган.

80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодий ўсиш ва стабилизация ҳисобига 2005 йилга қадар аҳвол ижобий томонга ўзгарди, бунда ишловчилар ва пенсионерлар нисбати 3,2:1 бўлган. Умумий федерал дастур фондларидаги жамғарма 1985 йили 44 млрд. долл.дан 1995 йили 493 млрд. долл.га ўсди.

Умумий федерал дастур давлат суғурта фондларининг молиявий ва маъмурий бошқаруви АҚШ ҳукумати намоёндалари - меҳнат, молия, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат вазирларидан иборат Совет бошқаруви бўлсада, ушбу фонд нобюджет саналади, яъни унинг маблағлари федерал бюджетга кирмайди. Ушбу маблағлар қонун билан белгиланган мақсадлардан ташқари бошқа ҳеч қайси мақсадда фойдаланилиши мумкин эмас. Маблағлар қисман давлат вимматли қоғозларига қўйилиши мумкин.

Қариялар орасидаги камбағаллар салмоғи 50-йилларда 40фоиз бўлган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 12 фоиздан ошмайди. Бу категорияга қандайдир сабабларга кўра ўзига тўлиқ давлат пенсиясини таъминлай олмаганлар, масалан, турмушга чиқмаган ва 40 ёшгача болали оилаларга ёрдам дастури маблағларига кўра яшаган аёллар кирган.

Жамғарма тизимларига давлат ва хусусий пенсия дастурлари киради. Давлат жамғарма дастурлари ҳукумат ва маҳаллий органларда ишлаётган ишчилар учун мўлжалланган. Иқтисодиётнинг хусусий секторида банд

бўлган ишчилар иш жойида ташкиллаштирилган қўшимча давлат пенсия тизимларида қатнашиш имкониятига эгадирлар.

АҚШда бу каби жамғарма пенсия дастурининг икки кўриниши мавжуд: белгиланган тўловлар билан ва белгиланган бадаллар билан.

Белгиланган тўловлар дастуридаги тўловлар иш берувчи ҳисобига бўлади ва ишчи бу молиялаштиришда иштирок этмайди. Бироқ 1980-1990 йилларда иқтисодиётнинг хусусий секторида белгиланган бадалларга эга бошқа дастурлар юқори темпларда ўсган.

Ушбу пенсия дастурлари одатда тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар томонидан тенг миқдорда молиялаштирилади. Бунда ҳар бир қатнашувчи пенсия фондида ўзининг персонал ҳисобига эга бўлиб, уларда компания бошқарувчилари томонидан тақдим этиладиган турли инвестицион дастурлардан танлаш ҳуқуқи мавжуд. Шу тарзда у натижаларга жавобгарликни ўз зиммасига олади ва муайян даражада амалга ошириладиган пенсия тўловларини белгилайди. Компаниянинг ҳар қандай ишчиси хусусий пенсия дастури қатнашчиси бўлиши мумкин. Пенсияга ҳуқуқни ушбу компанияда беш-ўн йил фаолият юритиб киритиш мумкин.

Иш жойларидан ташкиллаштириладиган гуруҳий пенсия дастурларида қатнашишдан ташқари ҳар бир америкалик ўзининг шахсий пенсия ҳисобини ҳам очиши мумкин. Ҳисобни очиш ва юритиш тартиби Америка қонунлари остида тартибга солинади. Шахсий пенсия ҳисобларга киритиладиган йиллик бадалларнинг юқори чегараси 2000 долл. миқдорида. Ҳисобдаги маблағларни 59,5 ёшга етгунга қадар ечиш мумкин эмас, 79,5 ёшдан кейин эса ҳисоб мажбурий тарзда ёпилади. Ҳисоб, шунингдек, бола туғилгандан кейин очилиши ҳам мумкин. Ҳисобдаги маблағларнинг жамғарилиш даврида ундан ҳеч қандай солиқ ундирилмайди, лекин уни ечиш ва ёпиш вақтида ёғилган суммадан даромад солиғи ундирилади. Шахсий пенсия ҳисоби, одатда,

тижорат ва жамғарма банкларида, улушли фондларда ва суғурта компанияларида очилади.

Ижтимоий тўловларнинг асосий институти (пенсияни ҳам ҳисобга олганда) Social Security Administration, SSA ҳисобланади.

АҚШда жамғарма пенсия тизимлари тўғри танланган инвестицион сиёсат ҳисобига ўзининг молиявий ривожланишини таъминлаш билан бир қаторда иқтисодиёт ривожига ҳам ўз улушини қўшишига эришилди.

Америкаликлар ўз пенсия ҳисобларида жамғарган активларнинг ўндан бири ушбу суммадан йиллик 7фоизли инвестиция даромадининг ўзи бир неча ўн йиллар давомида Россия пенсионерларини пенсионер бошига ойлик 150 долл. миқдорида пенсия тўлови билан таъминлаган бўлар эди, бу эса инқироздан кейинги даражадан 8 марта ортиқ.

Бироқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Келажакда пенсионерлар сонининг ошиши билан бир қатор муаммолар келиб чиқиши кузатилмоқда. Расмий ҳисоб-китобларга кўра, 2040 йилга келиб ЯММнинг АҚШ ижтимоий таъминоти ва соғлиқни сақлашга ажратилган қисми уч баробардан зиёдга ошади. Худди шундай даража Европа мамлакатларида ҳам кузатилади.

Америка, Европа ва Япониядаги умр кўриш узунлигининг ошиши бир хил даражада, бироқ пенсия тизимидаги ҳолатлар бир-биридан фарқ қилади. Ушбу ўн йилликда меҳнатга қобилиятли аҳоли қатлами қисқараётган Япония (йилига 0,7фоиз) ва Европанинг бир қатор мамлакатлари (йилига ўртача 0,3фоиз)дан фарқли ўлароқ Америкада нисбатан юқори туғилиш даражаси туфайли бу кўрсаткич ўса боради. Америкадаги пенсия тўловлари юқини Европага нисбатан кўпроқ ишчилар бўйнида бўлади. БМТ прогнозига кўра, 2050 йилга келиб 65 ёш ва ундан юқори бўлган аҳоли Германияда 60фоизни, Италияда 62фоиз ва АҚШда 35фоизни ташкил этади.

## **2.2. МДХ мамлакатларида пенсия тизимини ислох қилишнинг зарурлиги ва шарт шароитлари.**

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг барчаси ҳозирда пенсия тизими ислохотини амалга оширмоқда.

МДХ мамлакатлари пенсия тизимининг ривожланиш босқичлари:

- 1917 йилгача суғурта институтлари;
- 1917 йилдан 1990 йилларгача давлат ижтимоий таъминот институти;
- 1991 йилдан суғурта институтарига ўтиш шакли.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг пенсия ислохотини олиб боришдаги сиёсати қуйидагилардан иборат:

- Келажакда қайта тақсимлаш пенсия принципларидан асосий тизим сифатида воз кечиш;
- Кўп давлатларни солидарлик ва жамғарма принципларини ўзида қамраб оладиган уч даражали пенсия тизимига ўтиш;
- Пенсия тизимининг асосий принципи сифатида жамғарма тизимини танлаш (Қозоғистон).
- Ихтиёрий пенсия таъминоти ва суғуртасини, шунингдек, мос молиявий институтларни ривожлантириш.

МДХ мамлакатларида пенсия таъминоти бўйича олиб борилган ислохотлар кўлами доирасида ушбу мамлакатлар учун умумий бўлган қуйидаги тенденциялар кузатилди:

- Белгиланган тўловлар билан солидар тизимни сақлаб қолиш, жамғарма элементларини секинлик билан кенгайтириб бориш, уни профессионал мажбурий ёки ихтиёрий нодавлат тизимлари билан бойитиш. Бу пенсия тизими давлат пенсия таъминоти ва давлат пенсия суғуртаси бўлган МДХнинг кўплаб мамлакатлари учун хос;
- Асосий тизим сифатида жамғарма принципини қўллаш. Қозоғистонда нодавлат (хусусий) пенсия таъминоти асосида амалга оширилмоқда.

Мамлакатларнинг кўп даражали пенсия тизимига ўтишига мувофиқ, хусусий пенсия жамғармаларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ҳисоб-китобларни олиб бориш, бадалларни йиғиш, хусусан, пенсия жамғармалари фаолияти устидан назорат юритиш ва тартибга солиш бўйича институционал салоҳиятни шакллантириш каби муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Статистик маълумлолар таҳлилига кўра МДХ мамлакатларидаги пенсионерлар сони 1994 йил билан таққосланганда Белорусия, Россия, Украина ва Ўзбекистондан ташқари барча мамлакатларда камайганлиги кузатилмоқда.

МДХ давлатлари бўйича ўртача 75 фоиз пенсионерларга ёш бўйича меҳнат пенсияси, 13 фоизга – ногиронлик бўйича, 7 фоизга боқувчисини йўқотганлиги бўйича пенсия тайинланган. Шунингдек, ҳар йили тахминан 5 фоиз пенсионерлар фуқароларга пенсия ёшига етгандан кейин ёки зарурий меҳнат стажига эга бўлмаган шароитда белгиланган ногиронлик учун бериладиган ижтимоий нафақа оладилар (4-иловага қаранг).

Ҳозирги вақтда МДХ давлатларидан фақат Қозоғистондагина кўп даражали пенсия тизими амалга оширилмоқда. Қозоғистондаги ислоҳотларнинг ўзига хослиги шундаки, пенсия таъминотининг тўла хусусийлаштирилган тизими амал қилмоқда. Бу маънода Қозоғистондаги ислоҳотлар Чили, Сальвадор, Перудаги ислоҳотларни эслатади. Қозоғистондаги пенсия ислоҳотлари «Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва амалиётга жорий қилиниши билан бошланди. Мазкур Қонун 1997 йил июнда қабул қилиниб, 1998 йилнинг 1 январидан кучга кирган бўлсада, 1997 йилнинг августидан Қозоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Вазирлиги қошида Миллий пенсия агентлиги ташкил этилди. Бу агентлик зиммасига жамғариш пенсия фондлари фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялашни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Кейинчалик пенсия тўловлари бўйича

Давлат маркази ташкил этилди ва у мажбурий пенсия ажратмалари ҳамда пенсия тўловлари устидан назоратни амалга ошира бошлади.

Пенсия тўғрисидаги янги қонунга кўра янги жамғариш тизими жорий қилиниши билан 1998 йил 1 январгача ишлаётганлар учун амал қилиб келаётган қайта тақсимловчи тизим сақланиб қолди. 1998 йил 1 январдан кейин меҳнат фаолиятини бошлаган ишловчилар эса жамғариш пенсия тизими хизматидан фойдаландилар ва уларнинг пенсия ҳажми улар томонидан тўланилган бадаллар кўламига боғлиқ. Шунингдек ишчининг пенсия тизимини молиялаштиришга ажратиладиган суғурта бадали 10фоизни ташкил этади.

Шунга мувофиқ пенсия тўлови бўйича давлат бюджетдан пенсионерларга тўловларни бериш; жамғариш пенсия тизими (давлат ва нодавлат); пенсия активларини бошқарувчи компаниялар ва тартибга солувчи органлар – қимматли қоғозлар бўйича Миллий комиссия ҳамда Меҳнат Вазирлиги ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш пенсия фондинингфаолиятини тартибга солувчи кўмита каби янги тузилмалар ташкил этилган. Бугунги кунда мамлакатда бадалларни жалб этиш ва тўлаш бўйича лицензияга 15 та жамғарма фондлари; нодавлат фондлари пенсия активларини бошқариш бўйича 7 та компаниялари эга.

Республикада ишлаётганлар учун жамғариш тизими банк ҳисоблари орқали амалга оширилади. Ҳар бир ишловчи шахс бадалларни тўлайди ва маблағ инвестиция қилинади. Ишчи ўзининг ҳисобида тўпланган маблағга кўра пенсияга эга бўлади. Мажбурий бадалларга таянган жамғарма фондларидан тўловларни амалга ошириш келажакда асосий пенсия таъминотига айланиши тахмин қилинмоқда. Пенсиянинг кўлами бадаллар ҳажмига, тўлов даврига ва инвестицияланаётган пенсия активларининг

дивидендларига боғлиқ. Ҳозирда нодавлат жамғарма пенсия фондларининг умумий жамғарма пенсияларининг 63,5%ни ташкил этмоқда<sup>20</sup>.

Шу билан бирга республикада тизимга ўтиш жараёнида пенсиядан ажратмалар тарифи қисқартирилди. Бироқ даромаднинг озод бўлган қисми мажбурий равишда нодавлат пенсия фондига юборилади, улар эса ўзларининг активларига давлат мажбуриятларини сотиб олишлари керак, бу эса жамғариш тизимининг муайян қисмини молиялаш билан боғлиқ.

2005 йилнинг 2 июнида Қозоғистон парламенти “Қозоғистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҚР Қонуни қабул қилинди ва ушбу йилнинг 1-июлидан бошлаб барча пенсия ёшидаги Қозоғистон фуқаролари учун 3 минг тенге миқдорда тўлов тўланила бошланди.

Базавий пенсияни киритиш пенсия таъминотининг уч даражали тизими (қайта тақсимлаш (давлат базавий пенсияси), мажбурий пенсия бадалларига асосланган жамғариш фондлари ва солидар тизимли пенсия ҳамда ихтиёрий ва профессионал пенсия ажратмаларидан ихтиёрий тўловлар)га ўтиш имконини беради.

Қонунда минимал пенсия 9200 тенге, ўртача пенсия эса 12427 тенгедан иборатлиги белгиланган. Унга кўра, жамғариш пенсия тизимининг йўналишлари, келажакдаги ривожланиши ва нормалари кўрсатилган<sup>21</sup>.

Давлат минимал пенсия тўлаш ва инвестицияларнинг минимал даромадлигини таъминлаш бўйича кафолат бермоқда. Пенсияга чиқувчилар учун бирдамлик даражасида қоплаш коэффициенти ўртача иш ҳақининг 60%ни ташкил этмоқда. Бу миқдор ҳар қўшимча стаж йили учун аёлларга 20 йилдан, эркакларга 25 йилдан 1%га ортиб боради.

Россия Федерациясида пенсия ёши эркаклар учун 60, аёллар учун эса 55 ёшни ташкил этади.

<sup>20</sup> Материалы Конфедерации Профсоюза за 2001 год. М.: Профцентр “Союзметалл”, 2001.

<sup>21</sup> Б.Х.Умурзаков. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент-2005. «Фан». С.81.

Россиядаги пенсия тизими тарихи куйидаги кетма-кетликка эга: 1917-йилгача – суғурта институтлари; 1917 йилдан 1990 йилга қадар – давлат ижтимоий таъминоти институти; 1991 йилдан бошлаб – суғурта институтларига ўтиш шакли.

Россия Федерацияси Давлат Думаси томонидан 2001 йили “Россия Федерациясидаги давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Россия Федерациясидаги меҳнат пенсиялари тўғрисида”ги, “Россия Федерациясидаги мажбурий пенсия суғуртаси тўғрисида”ги қонуний актлар қабул қилинди. Бунда пенсия тизими ислохотининг радикал ўзгартирилиши кўриб чиқилган. 2002 йил 1 январдан бошлаб “Меҳнат пенсиялари тўғрисида”ги Қонун кучга кирди. Унга кўра куйидаги пенсия турлари белгиланди:

- Қариллик бўйича;
- Ногиронлик бўйича;
- Боқувчисини йўқотганлик бўйича.

Қариллик бўйича пенсия базавий, суғурта ва жамғариш қисмларидан иборат. У 5 йилдан кам бўлмаган суғурта стажи мавжуд бўлган шароитда қўлланилади. Меҳнат пенсиясининг базавий қисмини молиялаштириш федерал бюджетдаги ягона ижтимоий солиқ (бадал) суммаси ҳисобига, меҳнат пенсиясининг суғурта ва жамғариш қисмидаги молиялаштирилиш эса РФ Пенсия фонди ҳисобига амалга оширилади. Бунда меҳнат пенсиясининг жамғариш қисми молиялаштирилиши пенсия жамғармалари ҳисобига бўлади. Қариллик бўйича пенсия унинг базавий, суғурта ва жамғариш қисмларини йиғиндиси ҳолатидан келиб чиқади. Қариллик бўйича пенсиянинг биринчи икки қисми ойига 600 рублдан ва ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоиздан ошмаслиги лозим. Қариллик бўйича пенсиянинг базавий қисми ойига 450 рубл бўлади ва бу кўрсаткич истеъмол товарлари ва хизматлар нархи ошиши билан индексация қилиниш оқибатида ўзгаради.

Меҳнат пенсиясининг суғурта қисми ҳажми йилда бир маротаба – 1 февралда ойлик иш ҳақининг ошиши ҳисобига қилинади. Меҳнат пенсиясининг жамғариш қисми ҳажми 12 ойга белгиланади ва шу давр давомида қайта ҳисобланилмайди. Шу билан бирга мамлакатдаги айрим мутахассислар қонунчиликнинг айрим жабҳаларига норозилик билдирмоқда. Ҳусусан, концепциядаги пенсия тизими иш фаолияти билан банд аҳоли қатлами учун фойдасизлиги қайд этилмоқда.

Пенсияга чиққач, ишлаётганларнинг айрим категориялари қонунчиликда белгилангандан кўра кам пенсия олади. Ишлаётган пенсионерлар қизиқишлари қисқариб бормоқда. 2001 йил 1 январдан бери пенсия олишга ҳақли ва ишлашни давом эттираётган аҳоли қатлами учун фақат пенсиянинг базавий қисми тўланади ва у 450 рублни ташкил этади<sup>22</sup>. 2001 йил 1 январда ижтимоий ҳамда ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича белгиланган пенсия миқдори яшаш минимумидан анча паст.

Россия ҳукумати қариликни тўкинлик билан ўтказиш мажбуриятини давлат ва аҳоли ўртасида тақсимлаган. Чунки пенсия харажатлари ЯММнинг ўртача 10фоизини ташкил этмоқда. Кўплаб Европа мамлакатлари қатори Россия ҳам кўп даражали тизим қуриш сари бориб, 2002 йили мавжуд қайта тақсимлаш тизимига жамғариш тизимини ҳам қўшди.

Россия фуқароларининг келажакдаги пенсия асоси мажбурий суғурта бадаллари бўлиб, бунда иш берувчи ишчининг йиллик ойлик иш ҳақидан 26 фоиз миқдоридаги тўловни Пенсия фондига йўналтиради. 2010 йили ПФ дефицитининг ўсиши ва ЯММнинг 3 фоизга етиши туфайли ҳукумат тўлов миқдорини оширмоқчи бўлди, лекин ҳали буни амалга оширгани йўқ. Суғурта қисмидаги маблағ жорий пенсионерлар тўлови учун сарфланмоқда.

Россияда 2010 йилда пенсия таъминотига 3,7193 трлн. руб., яъни ЯИМнинг 8,6 фоиз қисми ажратилган.

<sup>22</sup> “МДХ мамлакатларидаги пенсия тизими ислохотидаги муаммолар” илмий-амалий конференция материаллари. Москва. Апрель 14 – 16, 2005 й.

Жамғарма қисми иш берувчининг ёлланма ишчи меҳнат тўлови фондидан бфоиз ҳажмдаги ПФга мажбурий бадаллари ҳисобига шаклланади. Маблағни бошқараётган компания ёки нодавлат пенсия фондининг бири инвестициялаши мумкин. Келажакдаги пенсионерлар жамғармалари Ташқи иқтисодий банк томонидан бошқарилади.


Оҳирги уч йилда пенсия жамғармаларининг атиги 7 фоизи НПФга ўтказилди. РФ соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги мансабдорлари фикрига кўра, жамғариш тизими муваффақиятсизлик ёқасида, негаки у қариллик ёшигача етарли даражадаги маблағни тўплаб бера олмайди. Инвестициянинг йиллик 4 фоиз инфляциядан юқори даромад ҳолати билан 2035 йилда пенсияга чиққан фуқаролар ўртача ойлик пенсия миқдори атиги 16 фоиз бўлади.

Омадсизликнинг сабаби – аҳоли даромадининг камлиги ва молия бозорларининг ривожланмаганлиги. Катта бўлмаган жамғарма муаммосини ҳал қилиш учун давлат аҳолига давлат пенсия молиялаштириш Дастурида қатнашишни таклиф этди. ПФ персонал ҳисобдаги бадал унинг ҳажми йилига 2 минг рублдан юқори бўлса (лекин 12 минг рублдан ортмаслиги керак) давлат томонидан бадал икки ҳиссага оширилади.

Россияда иш берувчи иш ҳақи фондидан 26фоиз Россия Пенсия Фонди (РПФ)га тўлайди. Лекин сумма 415000 рублдан ошмаслиги лозим. Ўз навбатида РПФ маблағнинг 20фоизини жорий пенсия тўловларига ва РПФни таъминотига сарфлайди ва 6фоизини 1967 йилда туғилган ва ундан ёш фуқароларнинг жамғарма қисмига йўналтиради. Жамғарилган қисм (6 фоиз) кейинчалик пенсия кўринишида тўланилади, у инвестиция қилинади ва ворисликка қолдирилади (2.2.1 -расм).

Агар 1990 йилгача давлат пенсия таъминоти тизимида 70 фоиз гача молиялаштириш ҳукмронлигига эга бўлган бўлса, ҳозирда бу ҳолат 6-8 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда пенсия таъминоти бўйича асосий молиявий юк (барча харажатларнинг 90 фоизи атрофида) иш берувчилар

зиммасида. Натижада ижтимоий субъектлар ва давлатнинг ўринлари ўзгарди. Бироқ тизимнинг қайта молиялаштириш тизими ўзгаришларга учрамади. Пенсия ҳажми суғурта тўловлари кўламига боғлиқ эмас. Пенсия тизимининг носуғурта характери унинг ривожланиши тормоси ҳисобланади. Яна Россия федерацияси пенсия тизими камчилигига унда ижтимоий суғурта, давлат пенсия таъминоти ва ижтимоий ёрдам институтлари тақсимотининг йўқлигини ҳам киритиб ўтиш лозим.



### 2.2.1.-расм. Россиядаги пенсия фондига тўланиладиган бадал<sup>23</sup>.

Пенсия таъминотини ёмон ҳолатга солган жараёнлардан бири – бу РПФ маблағларининг нотўғри ишлатилиши, суғурта бадаллари, жарима ва пенялар тўланилиши бўйича бюджет, баъзида эса бошқа ташкилотларга имтиёзлар берилганлиги бўлди. 1993 йил 22 сентябрдан бошлаб РПФ давлат бюджетининг қўшимча қисмига айланди ва шу даврдан бошлаб юз миллиардлаб пул маблағлари ўз вазифаси доирасида ишлатилмаяпти.

Оддий ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, РПФ маблағларини мақсадли сарфлаш, РПФнинг барча федерал бюджет қарзларини қайтариш ва суғурта

<sup>23</sup> Эстель Джеймс. Многоуровневые пенсионные системы: сходства и различия. С.35

тўловларини тўлиқ йиғилиши нафақат пенсия тўловларининг узлуксизлигини таъминлайди, балки уларнинг ҳажмини ҳам оширади. Бугунги кунда бир пенсионер учун тахминан 1,8 ёлланма ишчи тўғри келади. Уларнинг ҳар бири учун 27 фоиз миқдордаги (максимал ҳолати 28фоиз, лекин бу кўрсаткич барча корхоналар учун эмас) суғурта бадаллари тўланилади. 3100 рубллик ўртача ойликда тўланиладиган суғурта бадаллари бир пенсионер учун 1,500 рублни  $(3,100 \cdot 1,8 \cdot 27)$  ташкил этади, бу эса ўртача пенсиядан 900 рубл кўп дегани.

Россия пенсия муаммолари пенсияга кечроқ чиқиш ва пенсия жамғармасини тузиш йўли билан ечилиши мумкин.

Бутун дунё бўйича пенсия тизими аҳоли қариши муаммосига дуч келади. Агар Россияда пенсияга чиқиш қоидаси ўзгартирилмаса, ишлаётган ва пенсионерлар нисбати 1:1 ҳолатига келиб қолади.

60 ёшда умр кўриш узунлиги россияликлар учун – 17 йил, Ғарбий Европа аҳолиси учун – ўртача 23 йил (5-иловага қаранг), японлар учун эса – 25 йилни ташкил этади. Яқин ўн йилликда Россия кўрсаткичлари Ғарбий Европа ва Япония мамлакатлари кўрсаткичларига яқинлашади, бу давлатларда эса ушбу кўрсаткич ўз навбатида, ошиб боради.

Шунинг учун 2050 йилга келиб ҳам 80 ёшдан ошган россияликлар, БМТ прогнозига кўра, умумий аҳолининг 6 фоизини ташкил этади, яъни тахминан ҳозирги Италиядек.

Россиядаги демографик вазиятга кўра, пенсионерлар сони 2000 йилда 2010 йилга нисбатан 1,1 млн кишига ортган (2.2.2.-расм).

Россия пенсия тизимининг иккинчи стратегик ресурси бўлиб мажбурий жамғариш тизими ҳисобланади. Демографик нуқтаи-назардан унинг қўлланилиши жуда омадли бўлган. 2007 йилда пенсияда жамғариш бадалларининг улуши максимум (6 фоиз)га етди, демографик юк (болалар ва пенсионерларнинг меҳнатга яроқли аҳоли қатламига нисбати) эса минимумга тушган - 0,58. 2025 йилга келиб демографик юк максимум (тахминан 0,86)га

етганда, жамғарилган пенсия тўловлари бошланади. Яъни, жамғариш тизими болалар ва қарияларга харажатлар ошган энг қийин паллада бюджетни бўшатишига тўғри келади.



#### 2.2.2.-расм. Россия Федерациясидаги пенсионерлар сони (млн. киши).<sup>24</sup>

Демак, Россия Федерациясида ҳам демографик оғирлик кўрсаткичи АҚШ, Япония, Германия ва Франция сингари ортиб бормоқда (2-иловага қаранг).

Россия Федерациясининг пенсия фонди даромади ва харажати 2011 ва 2013 йиллар оралиғида 1,2 мартага ошди. Бироқ 2011 – 2013 йилларда профицит ҳолати кузатилган (2.2.1.-жадвал).

#### 2.2.1.-жадвал.

#### Россия Федерацияси 2011 – 2013 йиллардаги пенсия фонди бюджети.<sup>25</sup>

Йиллар	2011 – 2013 йиллардаги пенсия фонди бюджети.			
	Даромадлар	Харажатлар	Федерал бюджетдан трансфертлар	Профицит
2011	5137	4822	2341	315
2012	5655	5301	2561	353,6
2013	6245	5843	2803	402,1

<sup>24</sup> Аргументы и факты. № 47, 2011 г. «Будем платить».

<sup>25</sup> Minzdravsoc.ru, [www.gks.ru](http://www.gks.ru), pfrf.ru

Россияда 2025 йилга келиб жамғарма компоненти улуши 41,5 фоизга етказиш кўзда тутилган (2.2.2.-жадвал).

2.2.2.-жадвал.

**Россия Федерацияси пенсия тизимининг ривожланиш динамикаси прогнози<sup>26</sup>.**

Йиллар	Базавий ва суғурта пенсия компонентига йиллик бадаллар, млрд. АҚШ долл.	Жамғариш пенсия компонентига йиллик бадаллар, млрд. АҚШ долл.	Жамғариш тизимидаги аккумуляция қилинган маблағлар	
			Млрд АҚШ долл.	фоиз ЯИМга нисбатан
2002	15,6	1,3	1,3	0,4
2003	16,9	1,4	2,9	0,9
2005	19,9	2,6	8,4	2,2
2007	22,6	3,8	17,5	4
2010	26,9	5,1	37,3	7,5
2015	36,6	8,3	93,6	15,2
2020	43,6	11,1	188,2	25,8
2025	48,5	13,1	326,3	41,5

Россия Федерациясидаги пенсия тўлови 2011 йилнинг бошида 8,1 – 8,2 минг рубль бўлган бўлса, йилнинг охирига келиб 8,8 – 8,9 минг рубль, Уруш қатнашчилариники эса – 10-13 минг рублга тенг бўлган.<sup>27</sup>

Россияда 40 фоиз ёш пенсионерлар пенсияга чиққандан сўнг илк беш йил давомида иш фаолияти билан банд бўлади ва яна чорак қисми ишни давом эттиришга қизиқиш билдиради, лекин уни топа олмайди. Демографиянинг

<sup>26</sup>Россия федерацияси Иқтисодий ривожланиш Вазирлиги. [www.creditrussia.ru](http://www.creditrussia.ru)

<sup>27</sup> «Аргументы и факты» газета. № 47. 2011 г. «Будем платить».

ушбу ҳолатида Россия XX-аср охирида ривожланган мамлакатлар каби аста секинлик билан пенсияга чиқиш ёшини оширган ҳолда яна бир неча йил пенсия тизими стабиллигини тутиб тура олиши мумкин. Ҳозирда у Европада энг паст ҳолатда. Россия эркакларининг пенсияда бўлиш даври Япония ва Жанубий Кореяникига нисбатан юқори ҳисобланади.

### **2.3 Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия таъминотининг кўп даражали тизимга ўтиш.**

Пенсия ислоҳоти бирданига бир неча вазифалар (ижтимоий ҳимоя принципларини сақлаб қолиш ва ижтимоий суғурта принципини вужудга келтириш, миллий иқтисодиётда ички жамғармаларни ошириш, иқтисодий ўсиш ва хорижий инвестицияларга чегарани очиш, бандликни ошириш ва пенсия тизимини қамраб олиш)ни амалга оширади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги пенсия ислоҳотлари реализациясини амалга оширишда қуйидаги принципларга амал қилиш лозим: тенг ҳуқуқлилиқ ва индивидуал адолат; авлодлар солидарлиги; қатнашишнинг мажбурийлиги; давлатнинг масъулиятлилиги; демократик бошқарув<sup>28</sup>.

Пенсия таъминотидаги ислоҳотлар деструктуризация шароитида меҳнат соҳасида давлат ва янги “ижтимоий ҳамкорлар” ҳамда суғурталанган шахслар ўртасида масъулиятни тақсимлашга қаратилади.

Пенсия ислоҳоти шароитида унинг икки функциясини, яъни, камбағалликка қарши қаратилган минимал истеъмолни таъминлаш ва йўқотилган ойлик иш ҳақини қоплашдан иборат. Шу нуқтаи назардан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бозор механизмларини ижтимоий ҳимояга

<sup>28</sup> К реформе социального обеспечения: принципы и прагматизм. Издание бюро МОТ в Москве, М., 1999, вып. 1, с. 8 – 11.

кўллаган ҳолда янги амалга оширилаётган пенсия таъминоти олдингидек самарали бўлишига шубҳа уйғонмоқда<sup>29</sup>.

Ўтиш иқтисодиётида бошланган ислоҳот жараёни бир-бири билан боғлиқ бир қатор саволларга жавоб топишни талаб этади:

- Биринчи даража мажбуриятларининг пасайиши;
- Қайта тақсимлаш тизимидан жамғариш тизимига ўтишда молиялаштириш манбалари ва усулини аниқлаш;
- Биринчи ва иккинчи даражалар пропорцияларини ҳамда шу билан боғлиқ равишда икки компонентга чегирма ставкалари тақсимотини аниқлаш;
- Молиявий инфратузилма (банклар, фонд биржалари, суғурта компаниялари, давлат бошқарув органлари) фаолиятини тузиш ва бошқариш;
- Жамғарилган капитал инвестицияси учун инвестиция сиёсатини тузиш;
- Ижтимоий тенглик, ижтимоий ҳимоя ва кўллаб-қувватлаш, яъни, қайта тақсимлаш давлат даражаси молиялаштирилиш ҳолатини сақлаб қолиш;
- Бандлик ва туғилишни рағбатлантириш.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги пенсия ислоҳотларини бир нечта босқичларга бўлиш мумкин.

1-босқич. Ҳукуқий базанинг яратилиши ва қайта тақсимлаш даражаси ҳажмининг камайтирилиши. Қонун лойиҳаларини олиб борилиши узок муддатли тайёргарликлар жараёнидан, Парламентда очик музокарадан ўтади ва ислоҳот концепциясини (Латвия – 1995й., Россия – 1995 ва 1998 йй.), қонун лойиҳаларини (Латвия 1995-1998йй., Польша 1997-1998йй., Эстония – 2001й., Россия 1996-2002йй.) қабул қилиш билан тавсифланади. Масалан, Россия концепцияси бир неча бор ўзгартиришларга учраган. 1997-йили тайёрланган, лекин ҳали тасдиқланмаган концепция дастурига 1995-йилда белгиланган базавий, меҳнат ва кўшимча (нодавлат пенсия фондлари

<sup>29</sup> К реформе социального обеспечения: принципы и прагматизм. Издание бюро МОТ в Москве, М., 1999, вып. 1, с. 8 – 11.

ҳисобига) пенсиялар ўрнига ижтимоий, мажбурий жамғариш ва қўшимча пенсиялар таклиф этилган. 1998 йилда асосий концепция сифатида ўзида пенсия таъминоти турлари сифатида базавий, эски икки компонентли (Швед модели) ва қўшимча пенсияларни қамраб олган концепция қабул қилинган. Бунда меҳнат пенсияси “белгиланган бадал ҳисоби” асосида, имтиёзли пенсияларни эса профессионал пенсия схемалари билан алмаштирилиши таклиф этилган (Чехия).

Ушбу босқичда қонуний лойиҳаларни ўзгартиришда аҳолининг фикрини билиш орқали тўғри хулосага келиш ва аҳолининг ўзига ҳам ислоҳот мақсадини етказиш имкониятига эга бўлади.

Шундай экан, ушбу босқичда ҳукумат ва аҳолининг ўзаро келишуви пенсия ислоҳотини амалга оширишда зарур ҳисобланади. Фақатгина Қозоғистонда ўта қисқа вақт орвлиғида, яъни 1997 йил июнда қабул қилинган қонун 1998 йил январ ойида ижроси амалга оширилади.

Ислоҳотни амалга оширишга қарор қилингандан сўнг солидар даражани камайтириш ҳолатини кўриб чиқиш лозим. Бу эса қуйидагилар ҳисобига амалга оширилади: абсолют ва нисбий пенсия ҳажмининг пасайтириш, пенсия дифференциясини камайтириш, пенсия ёшини ошириш, аёллар ва эркаклар пенсия ёшини тенглаштириш, молиялаштирилмаган имтиёзлар таъминотидан воз кечиш (Латвия, Польша, Чехия), меҳнат стажидан суғурта стажига ўтиш.

Пенсия ёшини ошириш ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида турли кўринишда амалга оширилади. Жумладан, Грузияда пенсия ёши ҳеч қандай тайёргарликсиз 5 йилга кўтарилган. Болтиқ бўйи ва Марказий Европа мамлакатларида пенсия ёши аёллар ва эркакларга тенг қилиниш мақсадида аста-секинлик билан оширилади (Чехияда 2015-2020 йилларда – 65 ёш, Польшада – 62 ёш, Латвияда – 60 ёш), бироқ ҳозирда жамоа фикрига кўра айрим давлатлар имтиёз тариқасида яқин келажакка қадар пенсия ёшини ўзгартирмасликка қарор қилди (Латвия, Польша).

Солиқ тўловчиларга имтиёз олувчилар кўшимча юк бўлишига қарамай, парламент касаба уюшмалари аъзолари уларнинг ҳимоячилари ҳисобланади. Шунга кўра, имтиёз олувчилар гуруҳи учун жамғариш ёки аралаш принципларга таянган махсус фондлар ташкил этилиши ўта муҳим (Чехия). Масалан, туғруқ олди ва декрет ёрдам пулини ажратувчи она ва бола миллий фонди ташкил этилиши мумкин. Ҳудди шундай қуролли кучлар умумий фонди бунёд этилиши мумкин. Бу ҳолда барча турдаги имтиёзлар молиялаштирилган бўлар эди. Масалан, Латвияда тўртта махсус фондлар мавжуд: пенсия фонди; оналик, касаллик ва меҳнат қобилятини йўқотиш суғурта фонди; ишсизлик бўйича тўлов фонди; касаллик бўйича вақтинчалик меҳнат қобилятини йўқотиш суғурта фонди. Буларнинг барчаси ижтимоий суғурта фондига бирлаштирилган.

Меҳнат стажидан суғурта стажига ўтиш аҳоли ўртасида “машҳурлик қозонмаган”. Бунда реклама компаниялари асосий ўринни эгаллаб, улар давлат пенсия фондлари персоналлари йўқотиш билан бирга ислохот мазмунини аҳолига тушунтириш билан шуғулланади. Аҳоли учун ахборотга эга бўлиш эркинлиги берилиши ўта муҳим.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпи 1990 йиллар охирида пенсия ислохотини кўп даражали тизимни қўллаш орқали бошлади. 1 босқичда шунингдек, минимал истеъмол савати тасдиғи, истеъмол нархлари индекси амалга оширилади.

Давлат томонидан молиялаштирилишнинг кўриниши ва етарлилик даражасига қараб ўз ислохот моделини танлаб олиш лозим. Бунга мажбурий давлат профессионал суғуртаси томонидан таъминланувчи пенсия даромадларининг барча кўринишлари, мажбурий ва ихтиёрий жамғариш суғуртаси, суғурта компаниялари аннуитетлари киради. 2050 йилга келиб қайта тақсимлаш даражасини ликвидация қилишга ва бутунлай молиялаштирилишнинг жамғариш принципларига ўтишга қарор қилган Қозоғистондан ташқари регионнинг бошқа барча мамлакатлари пенсия

тизимида солидар даражани сақлаб қолди, бу эса пенсия таъминоти тизимида камида учта мустақил даромад манбалари борлигини билдиради. Ушбу қадам пенсия тизимининг кенг кўламли эканлиги, молиялаштирилишнинг етарли даражада эмаслиги ва молия бозорларининг ривожланмаганлиги билан тушунтирилади.

Маълумки, пенсия ислоҳотидаги энг қийин қадам йиғилган пенсия ҳуқуқлари товонига эга биринчи даража муаммоси ва давлат пенсия таъминотига бозор элементларини киритиш ҳисобланади. Ушбу шароитда энг оқилона йўл Швед моделининг “белгиланган бадаллар ҳисоби” (NDC)ни қўллаш ҳисобланади. Швед модели ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ичида илк мартаба Польшада 1999 йили қўлланилган. Қирғизистон NDC тизимини жамғаришга тизимга кираётган ёш ишчиларга нисбатан қўллаган. Молдавия Швед моделини пенсия таъминоти асоси сифатида тан олиб, қонуний белгилади.

Швед модели прототиби 1998 йил бошида Латвияда қўлланилган. Бунда NDCдан фарқли ўлароқ индивидуал ҳисоб жорий қилинган бўлиб, улар ўртача ойлик иш ҳақиға боғлиқ равишда индексация қилинган. Пенсия тўловлари ҳажми жамғарилган суммани ўртача умр кўриш давомийлигига нисбатига тенг бўлган. Шу тарзда, тизим автоматик тарзда ойлик иш ҳақи ва умр кўриш узунлиги ўзгариши нисбатига тузатиш киритади. Шунингдек, янги Латвия тизими пенсия ёшидаги аҳолини иш фаолиятини давом эттиришни рағбатлантиради. Масалан, 62 ёшдан юқори бўлиб, пенсия олмасдан бир йил давомида ишлаш пенсия ҳажмини одатий 2-3 фоиз ошиши ўрнига 8-9 фоиз ошишига олиб келади.

Чехияда пенсия ҳисоблашнинг олдинги формулаларини барча иқтисодий фаол аҳоли учун қатъий белгиланган ставкали базавий пенсияга алмаштиришди ва бундан ташқари банд аҳоли қатлами учун надбавкалар ўрнатди.

Ўрнини босиш (қоплаш) коэффициенти қайта тақсимлаш даражасида қолаётганлар учун бўлиб, у ўрта ҳисобда 60 фоизни ташкил этади (Венгрия, Қозоғистон). Пенсия таъминотининг солидар ва жамғариш компонентларига ажралиши билан, биринчи даражадаги ўрин босиш (замещения) коэффициенти камаяди. Масалан, Венгрияда у 40 фоизни ташкил қилса, Россияда концепцияга кўра, белгиланган мажбурий пенсия таъминотини 55-60 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

Олдинги пенсия тизимида мавжуд бўлган ҳаётни суғурталаш аста-секинлик билан тикланмоқда (Чехияда 1991 йилдан). Бунда миллий компаниялар капиталларининг камлиги сабабли суғурта секторининг ривожланиш босқичида йирик хорижий компанияларни жалб этиш ҳисобланади, бу эса ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари инвестиция бозорларига хорижий пенсия фондлари оқимида ўз ўрнига эга бўлди.

Кўриб чиқилган ҳолатларда пенсия ислоҳоти қатъий белгиланган пенсия схемасидан белгиланган бадаллар схемасига ўтишни билдиради. Жорий пенсия индексацияси нарх ва ойлик иш ҳақили аралаш схема (Венгрияда - 50 фоиз истеъмол нархлари ўсиш темпи ҳисобига, 50 фоиз ойлик иш ҳақининг ўсиш темпи ҳисобига; Польшада – 20 фоиз нархлар ва 80 фоиз ойлик иш ҳақи ҳисобига; Чехияда – минимал пенсия индексацияси учун – нархларнинг ўсиши ҳисобига ва барча пенсиялар учун – ойлик иш ҳақининг ўсиши ҳисобига) бўлади. Россия Пенсия фонди таклифи ўта реалистик ва ноодатий бўлиб, унга кўра базавий пенсия индексацияси регионлардаги ҳаёт даражасига боғлиқ равишда амалга оширилиши лозим, чунки у ҳамма жойда ҳам бир хил эмас.

2-босқич. Учинчи даражани ташкил этиш, молия бозорлари ривожланишини рағбатлантириш. Ислоҳотнинг бошланғич даврини инвестициялаш. ўтиш даври муаммоси шундан иборатки, бунда бир вақтнинг ўзида молия бозорлари ва пенсия фондларини ривожлантириш лозим, жамғарма эса иқтисодиётга инвестиция қилинади. Ушбу босқичнинг асосий

муаммоси жамғармани инфляциядан ва “тижорат rischi”дан сақлаб қолиш ҳисобланади<sup>30</sup>.

Ўтиш иқтисодиётига ҳос бўлган молия бозорларининг ривожланмаганлиги инвестицион дастаклар танловини, жамғарилган капитал қўлланилишини камайтиради. Шунга кўра, иккинчи даражадан нисбатан ихтиёрий қатнашиш ҳос бўлган учинчи даражанинг ривожланиши молия бозорлари ривожланишини таъминлайди.

Инвестиция дастакларининг чегараланганлиги (Қозоғистонда) билан боғлиқ янги пенсия тизими муаммолари молия бозорида аҳоли жамғарма айланмасининг эволюцион ривожланиши лозимлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам ислохотни мақсад қилиб қўйган давлатлар учун қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва парламент тасдиғига берилишидан анча олдин молия бозорларини ривожлантириш ҳамда нодавлат пенсия фондлари, ҳаёт суғурта бозорлари ривожланишини рағбатлантириш керак (Россия, Чехия – 1991 йилдан, Эстония – 1999 йилдан).

Бадаллар киритишнинг ихтиёрий принципига таянган ва фуқаронинг қўшимча даромад манбаси давлат ва иш берувчига боғлиқ бўлмаган пенсия таъминотининг учинчи босқичи бир галнинг ўзида, қонунга ўзгартиришлар киритиш орқали тадбиқ этилиши мумкин эмас. Ушбу босқичга ислохотчи – давлат аҳолининг молиявий соҳага ишончини қайтариши, ахборотлар очиклиги, молия бозори стабиллиги, аҳоли қўйилмалари хавфсизлигини таъминлаш орқали эришилади.

Бошқа асосий ҳолат эса аҳолининг қимматли қоғозлар бозорини, молия бозори мазмунини тушуниши ҳисобланади. Молия бозорини яратиш босқичидаги инвестиция сиёсатининг мавжуд дастакларига кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш дастурига капитални йиғиш, инфратузилма ва уй-жой секторини ривожлантириш киради.

---

<sup>30</sup> Пенсионная система в Украине и программа привлечения средств населения в жилищное строительство, конференция пенсионных фондов, Алматы, 20-21 июня 2001 г., с.2.

Маълумки, уй-жой қурилиши сектори иқтисодиётнинг энг асосий тармоқларидан бири бўлиб, унинг ривожланиши бутун иқтисодиётга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин, шунинг учун у айнан давлат томонидан рағбатлантирилади. Масалан, Қозоғистонда “Қозоғистон ипотека компанияси” ташкил этилган бўлиб, у 2001 йилда уй-жой қурилишини кредитлаш билан боғлиқ 150 млн. тенге миқдоридаги дастурни амалга оширган.

Украина тажрибаси ҳам қизик ҳисобланади. Украинанинг “Киевқурилиш Холдинг Компанияси (ХК) уй-жой қурилиши базасида тажрибаларни ўтказиш” Қонунига кўра, персонал пенсия ҳисоботида барча омонотчиларнинг қўйилмаларини “Аркада” маҳсус банки уй-жой қурилишини кредитлашга йўналтирган<sup>31</sup>.

Пенсия ҳисобларига йўналтирилган қўйилмалар ихтиёрий характерга эга. Қўйилмалар ҳажми ва уларнинг даври чегараланмайди. Пенсия ҳисобидаги омонотчилар қўйилмалари маҳсус индексация ёрдамида баҳоланади. Қўйилмага ҳар ойда қўйилма капитализациясидан фоиз қўшилади.

Инвестиция сиёсатининг кейинги муҳим дастаги солиққа тортиш бўйича имтиёзлар ҳисобланади. “Аркада” пенсия дастурига кўра (Украина), давлат томонидан солиқ имтиёзлари белгиланган.

Пенсия фондлари активлари қуйидаги механизмларни қўллаш орқали сақланилади: активларнинг пенсия фонди ва бошқарув компанияси (БК) томонидан бўлиниши, активларнинг мустақил сақланиши, диверсификацияни талаб қилиш ва инвестицион чегаралашлар, очик бож тизими.

Активларни тақсимлашга пенсия фонди ва бошқарув компанияси ўзининг ҳуқуқий статусига эга. Шундай экан, бошқарув компаниясининг банкротлик

---

<sup>31</sup> Пенсионная система в Украине и программа привлечения средств населения в жилищное строительство, конференция пенсионных фондов, Алматы, 20-21 июня 2001 г., с.2.

ҳолатида пенсия фонди активлари тегилмайди, активларни бошқариш эса бозордаги лидер компанияга топширилади.

Активларни мустақил равишда сақлаш учун бадаллар банк-сақловчига (кастодианга) топширилади ва бошқарув компанияси барча инвестицион қарорларни сақловчига етказишга мажбур. Агар инвестицион қарор қонунчиликни инкор этса, банк-кастодиан бу ҳақида бошқарув органига (Польшада) ҳабар бериши ёки ушбу қарор ижросини тўхтатиши (Қозоғистонда) зарур.

3-босқич. Иккинчи, жамғариш тизимини мажбурий қатнашиши шarti остида қўллаш. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иккинчи даражанинг қўлланилиши паст иқтисодий ўсиш ва молиявий манбаларнинг етарли эмаслиги сабабли ушланиб қолинади. Масалан, Россияда 1998 йилдаги молиявий инқироз оқибатида пенсия ислоҳотини бошлаш 2002 йилга қадар қолдирилган. 1996 йилдан буён NDC тизимини қўллаётган Латвияда иккинчи даражани қўллаш узок давр орвлигида, уч босқичда амалга ошириш кўзланган.

Бунда биринчи босқич (2000 – 2001 йиллар)да бадалларни йиғишга жавобгар бўлган давлат ижтимоий суғурта агентлиги ва солиқ хизмати ўртасидаги ахборот алмашинувини таъминлаш учун зарурий инфратузилма тайёрланган.

Иккинчи босқич (2001 – 2003 йиллар)да ғазначилик активларни ягона бошқарувчиси бўлади. Ушбу босқич инвестициялари давлат облигациялари ва банк депозитлари билан чегараланган.

Учинчи босқичда (2003 йилдан) бошқарувга хусусий бошқарув крмпаниялари қўйилган.

Шу тарзда барча жараёнлар нодавлат бошқарув компанияларига жамғарилган капитал ўтказиш оқибатидаги мумкин бўлган йўқотишларни минималлаштириш мақсадида яхшилаб ишлаб чиқилади, яъни мазмунан

фонд, молиявий бозорлар бошқарув механизми юраги ҳисобланган бозор иқтисодиётига режали иқтисодиётдан ўтишнинг охириги жараёни бўлади.

Ўтиш иқтисодиётидаги кўплаб мамлакатлар “ўтиш ёшини” қўллайди. Бунда меҳнат стажига эга бўлган, пенсия олди ёшидаги оралиқ авлод жамғариш тизимига ўтиши мумкин. Масалан, Польшада ўтиш ёши 50га тенг ва 50дан катта фуқаролар эски пенсия тизимида қолади; 30 ёшга тўлмаганлар 9 ой давомида пенсия фондини танлаш билан иккала даражаларда қатнашишга мажбур; 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган оралиқ авлод эса ислохот бошлангандан бир йил давомида жамғариш тизимига ўтиш ёки эски тизимда қолишни ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган<sup>32</sup>.

Ишчиларнинг иккинчи даражадаги мажбурий бадаллари нодавлат пенсия фондларига ўхшаш пенсия фондларида сақланади. Улар ўртасидаги фарк иккинчи даражадаги жамғаришда давлат мулки мавжудлиги (Россия) бўлиши мумкин.

Иккинчи даража маблағларининг бошқарилуви кўплаб мамлакатларда нодавлат сектор қўлига топширилиши таклиф қилинган, оралиқ даврдаги активлар бошқарилуви эса давлатни тақозо этади.

Ташкил этилаётган тизимнинг резерв аккумуляцияси учун буфер (резерв) фондлари ташкил этилади. Унинг манбалари солидар тизимда вужудга келиши мумкин бўлган пенсия фондларидаги ортиқча маблағлар бўлади. Масалан, Польшада 2007 йили бадалларнинг бир қисми (Польша – 1 фоиз, Венгрия – 0,5 фоиз), муайян давр оралиғида (Польшада 2002 -2009 йиллар) бўлган. Шунингдек, Венгриядаги каби 0,3 фоиз ставка миқдоридаги кўп бўлмаган ажратмали маҳсус миллий кафолатланган фондлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

Янги тизимга ўтаётган ишчилар ўзларининг пенсия фондларини танлаб олишлари лозим, бунда улар ислохот бошлангандан бир йил кейин уни

<sup>32</sup> M.Gora. Polish Old Age Pension Reform, p.8, “Private pensions conference”. ОЭСР – Министерство труда и социальной политики Болгарии – USAID, 23-26апреля 2001 гола, София, Болгария.

ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлади. Муайян бир қарорга келолмаганларни эса махсус шундай мақсаддаги “дефолт” фондларига бириктиради (Внгррияда бу худудий пенсия фондлари).

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги амалга оширилган ислохотлар ҳолати шуни кўрсатадики, улар мавжуд пенсия таъминоти тизими моделини кўчирмайди ва ҳатто ривожланган мамлакатларга намуна ҳам бўлиши мумкин<sup>33</sup>.

Ҳозирги даврда шундай ҳолат мавжудки, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари яхши тайёргарлик ҳисобига пенсия ислохотидан катта наф кўриши мумкин. Бундаги асосий масала молиялаштириш ва ислохот стратегияси ҳисобланади.

Ҳаттоки молиявий ностабиллик шароитида ҳам пенсия ислохотини олиб бориш зарурий жараён ҳисобланиб, ўзининг амал қилиш жараёнида тўлақонли иккинчи даражани жорий қилиниши учун молиявий бозорини тайёрлашга хизмат қилувчи молия бозори либерализациясини, керакли қонуний нормативларни қабул қилиш ва бошқарув механизмларни жорий этиш, нодавлат пенсия схемаларини рағбатлантиришни амалга ошириш керак.

Лотинамерикаси мамлакатлари тажрибаси кўрсатишича, қайта тақсимлаш даражаси мажбуриятларини камайтиришга қаратилган ислохотлар самарасиз бўлиб, у фақат жорий ҳолатни яхшилаши мумкин, бироқ келажакда ўз манфий томонларини намоён этади.

Пенсия тизими ислохотларини олиб боришни бошлаган мамлакатлар учун пенсия жамғаришларининг ошиши ҳисобига инвестицияларни жойлаштириш, ҳозирча кўп бўлмаган инвестиция дастаклари кўламини кенгайтириш, қимматли қоғоз эмитентларининг молиявий ишончлилиқ параметрларини ошириш каби саволлар кўндаланг туради.

---

<sup>33</sup> M. Rutkowski. Returning Hope: pension system reforms in countries with transition economies, p.9, “Flagship course on pension reform”.Институт Всемирного банка. 22-30 января 2001 года, Будапешт, Венгрия.

## 2-боб бўйича хулосалар.

Дунёда пенсия тизимини молиялашнинг икки хил шакли мавжуд:

- Қайта тақсимлаш пенсия тизими. Бунда жорий пенсия харажатлари жорий тушумлар ҳисобига қопланади. Ушбу метод PAYG (pay-as-you-go) – “юрар экансан, тўла” номини олган.
- Жамғариш методи. Бунда маблағлар махсус фонд (резерв) ташкил этиш учун йўналтирилади ва ушбу маблағлар жорий ва келажакдаги пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади.

Кўп мамлакатларга оид хусусиятга кўра, солидар тизим бўйича давлат пенсия суғуртасига суғурта пенсия тўловларини бир хилда тақсимланиши ҳисобланади. Германияда ушбу кўрсаткич бир хилда тақсимланган — 19,4фоиздан иш берувчи ва ишчи зиммасига тушади, Буюк Британия ва Францияда иш берувчилар ишчиларга нисбатан кўпроқ тўлашади, Ирландия ва Испанияда иш берувчиларнинг суғурта пенсия тўловлари ишчиларга нисбатан бир неча баробарга ошиб кетади. Умумий тенденция мазкур мамлакатлардаги суғурта пенсия тўловларини иш берувчи ва ишчилар ўртасида тенглаштиришдан далолат беради.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг пенсия ислохотини олиб боришдаги сиёсати қуйидагилардан иборат:

- Келажакда қайта тақсимлаш пенсия принципларидан асосий тизим сифатида воз кечиш;
- Кўп давлатларни солидарлик ва жамғарма принципларини ўзида қамраб оладиган уч даражали пенсия тизимига ўтиш;
- Пенсия тизимининг асосий принципи сифатида жамғарма тизимини танлаш (Қозоғистон).
- Ихтиёрий пенсия таъминоти ва суғуртасини, шунингдек, мос молиявий институтларни ривожлантириш.

### **3 Боб. Ўзбекистонда пенсия тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўллари ва истиқболлари.**

#### **3.1. Республика пенсия тизимининг ҳозирги ҳолати.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодиёт ва жамиятни ислохотларидаги устувор вазифаси сифатида ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни тадбиқ этишни эълон қилдики, бу кейинчалик кучли ижтимоий сиёсат деб ном олди.

Бу даврда мавжуд бўлган аҳолини пенсия таъминоти тизими тўлалигича марказлашган режали тизим асосида қурилган бўлиб, ундаги совет давридан қолган тузилиш ва нормативлари 1993 йилга қадар сақланиб турди.

Ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминотига жалб қилинган давлат маблағларини жамлаш, пул маблағларини тезкорлик билан назорат қилиш ва самарали ишлатилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 4 августдаги Қарори билан Ижтимоий суғурта Фонди ташкил этилди. Бунга қадар фаолият юритиб келган иттифок Пенсия фондининг Ўзбек бўлинмасининг барча ваколатлари ва маблағлари республика ижтимоий суғурта Фондига берилди ( 3.1.1. - расм).

Бу вақтга келиб собиқ СССР Пенсия Фонди томонидан маблағлар келиши тўхтатилган бўлиб, тўловчилардан тушадиган тушумлар асосан мустақил Ўзбекистон томонидан миллийлаштирилган собиқ корхоналар томонидан бериладиган тушумлардан шакллантирилди. Бундан ташқари ижтимоий суғурта Фондига вақтинчалик ишга лаётқатсизлик, хомиладорлик ва туғиш, бола парвариши ва дафнга бериладиган тўловларга ажратилган маблағларнинг бир қисми ҳам берилган эди.

Бундай реорганизация пенсия фондининг барча вилоят ва туманлардаги маъмурий бўлинмаларида амалга оширилиб, улар асосида ижтимоий суғурта Фондининг ваколатли бўлимлари ташкил этилди.



**3.1.1.-расм. 1993 йилдан 1996 йилга қадар Ўзбекистон пенсия фондининг бошқариш тизими схемаси<sup>34</sup>.**

Умуман олганда, 1994 – 1996 йиллардаги иш тажрибаси Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган қарор ўз даврига мос ва зурур бўлганлини кўрсатди. Давлат ижтимоий суғуртаси ва пенсиялар учун маблағларнинг йиғиш ва тўплаш бўйича ишлар сезиларли даражада яхшиланди, тўловларга қаратилган ҳаражатларни нисбатан тўлиқ маблағлаштирилиши билан боғлиқ шароитлар стабиллашди, ташкилотлардан ҳамда ҳодимлардан суғурта тўловларнинг тўланиши интизоми ва муъсулияти ошди. Чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналар ва фуқароларнинг яққа ҳамда жамоавий меҳнат фаолияти шакллари биринчи бор мажбурий тўловлар билан жалб қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий суғурта Фондининг тузулиши билан бир вақтда 1993 йил сентябрида янги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсия таъминоти тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. Унда

<sup>34</sup> Б.Х.Умурзаков. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент-2005. «Фан». С.84.


фуқароларнинг пенсия таъминотидаги конституцион кафолатлари, асосий қонуний асослари ҳамда тамойиллари белгилаб берилди.

Ташкил этилган ижтимоий суғурта Фондининг янги тизими маблағларнинг етишмаслиги, инфляциянинг ўсиши ва ишлаб чиқаришнинг камайиши, фуқароларнинг даромадлари пасайиши кузатилаётган оғир шароитида давлатнинг аҳолининг химояга муҳтож қатламлари оладиган ижтимоий вазифаларини бажаришига имконият берди.

Бироқ, иқтисодий ислохотларнинг ривожланиши, янги мулкчилик шакллари ва эркин хўжалик муносабатларининг вужудга келиши йўсинида ижтимоий суғурта Фондига суғурта маблағларини йиғиш, тўловларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилиши, пул маблағларини тўғри ва самарали ишлатилишини назорат қилиш барасидаги асосий вазифаларни бажариш борган сари қийинлашиб борди. Пенсия ва тўловларнинг тўлаш учун маблағларининг етишмаслиги анча сезиларли даражада билина бошлади.

Дастлабки босқичда суғурта тўловларнинг ижтимоий суғурта Фондига йиғилиши бўйича маъсулият фақат Фонднинг ўзида бўлган бўлса, харажатларининг ҳажми, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизмлари, пенсия ва тўловларнинг қонуний расмийлаштирилишини асослаб бериш, уларни ҳисобга олиш, ҳисоботларини тайёрлаш ва етказиб беришга 5 – 6 та тенг кучли вазирликлар ва муассасалар жавобгар бўлиб, уларнинг йўриқнома ва кўрсатмалари баъзи ҳолатларда бир-бирига зид бўлар эди. Пировард натижада фуқароларга пенсия ва тўловларни расмийлаштириш ва амалга оширишдаги тезкорлик, назорат ва самарадорлик йуқолар эди.

Натижада 1996 йил 27 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги қошида Пенсия Фондини ташкил этиш тўғрисида”ги №459 сонли Қарори қабул қилинди (3.1.2.-расм).



**3.1.2.-расм. 1996 йилдан 2000 йилга қадар Ўзбекистон пенсия фондининг бошқариш тизими схемаси<sup>35</sup>.**

Пенсия таъминоти учун мажбурий тўловларнинг келиб тушиши ва пенсия ҳамда тўловларнинг ўз вақтида ишлатилиши Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигига юклатилди, Ижтимоий таъминот вазири бир вақтнинг ўзида Пенсия фондининг Раиси вазифасини бажариши белгиланди. Бу Ўзбекистонда пенсия таъминотининг ташкилий тузилиши ва ишлаш тамойилларини тубдан ўзгартирди. Биринчидан, пенсия тўловларини молиялаштиришнинг ҳажмлари ва буюртмаларини шакллантиришнинг кўп босқичли жараёнидан воз кечилиб, пенсияларни расмийлаштириш ва тўлаш битта идора - Ижтимоий таъминот вазирликнинг ваколатига ўтказилди, бу эса пул маблағларининг ҳаракатлариш жараёнини вақт ўлчамида анча қисқартирди, ҳисобот маълумотларининг ҳақиқийлик

<sup>35</sup> Б.Х.Умурзаков. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент-2005. «Фан». С.87.

даражасини кўтарди ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлади.


Ҳукуматнинг ушбу қарори билан Пенсия фондининг маблағлари кўпайишининг қуйидаги манбалари ва келиб тушувчи тўловларнинг кўшимча шакллари белгилаб берилди: пенсия тизимини ислоҳоти билан боғлиқ халқаро шаклдаги муносабатларни амалга оширишга ва ёлғиз, ногирон ҳамда бошқа тоифадаги фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш буйича давлат дастурларини шартнома асосида маблағлаштиришдаги тушумлар. Ушбу манбалар ёлғиз, кекса ва ногиронларнинг санитар-курорт даволаниши билан боғлиқ турли тадбирларга кўшимча маблағларни кўпайтиришга имкон яратди. Чет эл нодавлат фондлари томонидан тақдим этилган маблағлар ҳисобига пенсия фонди ва ижтимоий таъминот тизимларининг компьютерлаштириш дастурлари амалга оширилди.

Пенсия фондига корхоналар томонидан уларнинг мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар иш ҳақи фондидан тўланадиган суғурта тўловлари биринчи бор 36 фоиздан 37,3 фоизгача, фуқаролардан эса 1 фоиздан 2,5 фоизгача кўтарилди. Бундан ташқари, Пенсия фондининг харажатларидаги дефицитни ёпиш учун 1997 йил 1 январ кунидан бошлаб мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва муассасалардан уларнинг сотган маҳсулоти (хизмати)нинг хажмидан, улғужи ва чакана аптека муассасаларидан эса кўшимча умумий даромаддан 0,5 фоизли мажбурий тўловлар жорий қилинди. Шу билан бирга муддатдан аввал нафақага чиқиш учун корхоналар томонидан қопланадиган маблағларни, тўлов ва нафақа бадалларини ўз вақтида ўтказмаслик учун жарима санкциялари (пени) кўтарилди. Бу тадбирлар Пенсия фондининг пул маблағларини сезиларли даражада тўпланишига олиб келиб, нафақа пуллари ва мухтожларга тўловларини вақтида маблағлаштиришни таъминлади.

Биринчи бор 1997 йил 1 январдан бошлаб Пенсия фондининг пул маблағлари ушбу фонднинг маблағларини мақсадли шакллантирилиши ва

ишлатириши сақланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига кўшилиши белгилаб кўйилди.

Пенсия фонди таркибий тузилишининг реорганизацияси ҳудудий миқёсида ҳам амалга оширилиб, Фондни бошқариш тизимини соддалаштирди (3.1.3.-расм).



**3.1.3.-расм. 2000 йилдан 2005 йилга қадар Ўзбекистон пенсия фондининг бошқариш тизими схемаси<sup>36</sup>.**

Бундан ташқари Пенсия фондини фаолияти учун харажатлари камайтирилиб, бир-бирини қайтарадиган хизматлар тугатилди.

2000 йилда соҳавий тизимларининг бошқарувнинг юқори бўғинларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўп вазирлик ва идоралари тугатилиб, уларнинг ваколатлари ҳудудий бошқариш идораларига умумий ва ташкилий-йўриқномавий ёрдам кўрсатувчи агентлик ва ассоциацияларга берилди. Боз устига Халқаро валюта фонди ва Бутунжаҳон Банки 1993 йилдан 1999 йилга қадар давр ичида Ўзбекистон ҳукумати ва унинг иқтисодий муассасаларига


<sup>36</sup> Б.Х.Умурзаков. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент-2005. «Фан». С.89.

бир неча бор Давлат бюджетининг бўлинган қисмларини шакллантиришнинг сифатли ва малакали назоратини амалга ошириш учун давлатнинг фискал функцияларини бажарувчи ягона муассасига бирлаштириш ҳақида тавсиялар берди.

Халқаро валюта ташкилотларининг бундай тавсияларини ижро этиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 15 ноябр куни «Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини қабул қилди. Унга биноан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги Пенсия Фонди 2001 йил 1 январидан Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия Фондига қайтадан ташкил этилди. Ушбу вақтдан бошлаб Пенсия фондининг маблағларнинг тўлиқ тўпланиши ва бюджетдан ташқари Пенсия фондига келиб тушиши бўйича назорат вазифалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ қўмитасига, бюджетдан ташқари Пенсия фондини бошқариш, нафақа тўловларининг тушум ва харажатларининг йиллик ва чорак прогноз балансларини шакллантириш, аҳолига нафақа ва тўловларни уз вақтида ҳисоблаш ва амалга ошириш эса қайтадан ташкил этилган Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги зиммасига юклатилди. Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазири Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия Фондининг маблағларини бош бошқарувчиси, ушбу вазирликнинг жойлардаги ҳудудий идораларининг раҳбарлари эса Пенсия фондининг ҳудудий бўлимларининг маблағларининг бошқарувчиси мақомига эга бўлдилар. Бюджетдан ташқари Пенсия фондига тушум ҳажмларини шакллантириш бўйича умумий координацияни олиб бориш, фонд маблағларининг мақсадли ва ўз вақтида ишлатилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилди.

Мажбурий пенсия тўловчиларини қамровини кенгайтиришга қаратилган мақсад ва вазифалар тўлалигича ижро этилмади. Бу шароитда мажбурий тўловларни йиғиш бўйича ваколатларини Пенсия фондидан Солиқ

қўмитасига ўтказилиши ўзини оқламади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябр кундаги «Бюджетдан ташқари Пенсия фондини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия фонди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия фондига ўтказилди (3.1.4.-расм).



**3.1.4.-расм. 2005 йилдан бошлаб Пенсия фондининг бошқариш тизими схемаси<sup>37</sup>.**

Пенсия фондига мажбурий ажратмалар ва бадаллар йиғиш ҳуқуқи билан бир каторда ихтиёрий равишда тўланиладиган деҳқон хўжалиги суғурта бадалларини йиғиш ва биринчи марта солиқдан озод бўлиб келган молия бозоридаги Пенсия фондининг ортиқча маблағларини жойлаштирилишидан процент кўринишидаги фойдага эга бўлиш каби қўшимча ҳуқуқлар ҳам юклатилди. Бу Пенсия фондига Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда Фонднинг пул маблағларини бойитишда қўшимча маблағ бўла оладиган бўш пул маблағларини мустақил жойлаштириш ҳуқуқини берди. Ушбу Қарор

<sup>37</sup> Б.Х.Умурзаков. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент-2005. «Фан». С.91.

билан, шунингдек, Пенсия фондининг барча харажат ва даромадлари Ўзбекистон Республикаси консолидар бюджет қисмига киритилиши белгилаб берилди.

Пенсия фондининг барча жорий ҳисоблари тикланди ва Ижтимоий ҳимоя меҳнат Вазирлиги ҳисобидаги маблағлар Пенсия фонди ҳисобига ўтказилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси пенсия тизими ислоҳотидаги ислоҳотлар босқичларида 1996 – 2004 йиллар оралиғида ижтимоий сиёсатнинг ушбу соҳасида самарали ислоҳотни олиб бориш учун зарурий молиявий, қонуний ҳуқуқий ва ташкилий база яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг жамғариш пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни муҳим ҳисобланади. Унга кўра, 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалдаги давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариш пенсия суғурта таъминоти ҳам киритилган. Шунини қайд этиш лозимки, давлат ва жамғариш пенсия тизимлари бир бирини тўлдириб бормоқда<sup>38</sup>.

Пенсия Фондидаги мажбурий ажратмалар пул массаси пенсионер ҳамда нафақа олувчиларга етгунга қадар беш турдаги ўн та асосий ва транзит ҳисоблардан ўтади: Солиқ Комитети, Молия Вазирлиги, Меҳнат ва Ижтимоий Ҳимоя Вазирлиги, Банк тизими ва “Ўзбекистон Почтаси” тузилмасидан.

Бундан ташқари, Молия Вазирлиги ва Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя Вазирлиги томонидан транзит ҳисоблари орқали вилоят ва районлар аро доимий молиявий ёрдамга муҳтожларга пул маблағларини оператив тақсимланади.

Ҳар ойда йиғиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнлари учун 23 кундан 30 кунгача вақт кетади, бу давр орвлиғида эса пенсия тўловларини

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2005й. 11 февралдаги “Нобюджет Пенсия фондини бошқаришнинг келажакдаги такомиллашуви тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ.

вақтида етказилишини таъминлаш мақсадида беш ведомостнинг 60 мингдан зиёд ишчилари юқоридаги молиявий операцияни амалга оширади<sup>39</sup>.

Ушбу операцияларнинг озгина ушланиши ёки муайян ноаниқликлар пенсия тўловларини 10 – 20 кунгача кечикишига олиб келади.

Ҳозирда пенсионерлар ўзларининг ҳужжатларини бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига асосланган Йўриқномага биноан тақдим этишади (6-Иловага қаранг).

Президентимизнинг 2009 йил 30 декабридаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида, тўлиқ миқдорда молиялаштириш, товарлар устидан мониторинг юритиш, пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағларнинг мақсадлилиги ва назоратни кучайтириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, 2010 йилдан бошлаб, пенсия ва нафақаларни тайинлаш, тўловини мониторинг қилиш, ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида янгидан ташкил этилган бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур жамғарма – унинг Ижро этувчи аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 та ҳудудий бошқармаси ҳамда 196 та туман (шаҳар) бўлимидан иборат ташкилий тузилмага эга. Бу тизимда ҳозирда 4 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Шунингдек, жамғармага тиббий-меҳнат экспертизаси фаолиятини ташкил этиш вазифаси ҳам юклатилган бўлиб, республика тиббий ижтимоий экспертизаси тизимини

---

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий ҳимоя Вазирлигининг 2004 йилга берган молиявий ҳисоботи маълумотлари. Тошкент, 2005 й.

такомиллаштириш мақсадида 108 та Бош, туманлараро, туман (шаҳар) ТМЭЖлари ташкил этилди ҳамда улар юқори малакали кадрлар билан бутланди<sup>40</sup>.

1993 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни пенсионерларнинг моддий фаровонлигини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур Қонунга 2011 йил 1 январдан тегишли ўзгартиришлар киритилиб, ўз аҳамиятини йўқотган айрим имтиёзлар ва меҳнат фаолиятининг алоҳида даврларини иш стажига ҳисоблаш механизмлари оптималлаштирилди. Эндиликда ёшга доир пенсияларни тайинлашда меҳнат стажининг энг кам куйи чегараси белгилаб кўйилди.

2012 йил 6 январдан кучга кирган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунида фуқаролар пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинландиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериландиган тартибда асосан қайта ҳисобланиши назарда тутилган.

2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорга мувофиқ тасдиқланган пенсия тайинлаш ва тўлаш жараёнини тартибга солувчи ягона низом амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган Пенсия жамғармасининг 2011 йилги даромадларининг аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилиши таъминланди (3.3.5.-расм).

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси фаолияти натижалари ва фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида маълумот. Т.- 2012й.



### 3.1.5-расм. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадлари бўйича харажатларининг қопланиши<sup>41</sup>.

Натижада 2011 йил учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари тушуми 6,2 трлн. сўмга етиб, прогноз кўрсаткичи 100,5 фоиз уддаланди. Даромад кўрсаткичларининг мунтазам равишда бажарилиши жамғарманинг айланма маблағлари қолдиғи миқдорининг ошириш имконини бериб, бу ўз навбатида, пенсия ва нафақаларни белгиланган муддатларда кафолатли молиялаштириш учун зарур маблағларни шакллантирмоқда. 2012 йил 1 январ ҳолатига кўра, жамғарманинг айланма маблағлари қолдиғи хар ойлик харажатларнинг 70 фоизини молиялаштириш имконини берувчи миқдорни ташкил этмоқда<sup>42</sup>.

2012 йил учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушумларни кўпайтириш чоралари фақатгина ишловчиларнинг суғурта бадаллари ставкасини оширишга қаратилган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил учун қабул қилинган Давлат бюджети параметрларига мувофиқ, ишловчиларнинг мажбурий суғурта бадаллари ставкасини 4,5 фоиздан 5,5 фоизгача кўтариш кўзда тутилган. Бунда

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси фаолияти натижалари ва фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида маълумот. Т.- 2012й.

<sup>42</sup> Ўша манба.

меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ажратмалар ставкаси ўзгаришсиз – 25 фоиз миқдорида қолдирилди (3.1.1.-жадвал).

### 3.1.1.-жадвал.

#### 2004 – 2012 йилларда ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаларининг ўзгариши (фоиз ларда)<sup>43</sup>.


	Йиллар								
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Ягона ижтимоий тўлов	33	31	25	24	24	24	25	25	25
Шу жумладан пенсия жамғармасига ажратма	31,6	30,0	24,2	23,5	23,5	23,6	24,8	24,8	24,8
Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадали	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	3,5	4,0	4,5	5,5
Товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма.	0,7	0,7	0,7	0,7	1,0	1,0	1,5	1,5	1,6

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 196 та туман (шаҳар) бўлими томонидан 2011 йилда 139 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг муурожаатлари кўриб чиқилиб, пенсия ва нафақалар тайинланди.

2011 йил давомида 2 млн. 946 мингдан зиёд фуқароларга пенсия ва нафақалар бўйича харажатлар ўз вақтида (ҳар ойнинг 22 санасига қадар) молиялаштириб бериши тайинланди. Пензионер ва нафақа олувчиларнинг 71

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси фаолияти натижалари ва фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида маълумот. Т.- 2012й.

фоизи ёшга доир, 15 фоизи ногиронлик бўйича, 8 фоизи ижтимоий нафақалар ва 6 фоизини боқувчисини йўқотганлар ташкил этади (3.1.6.-расм).



**3.1.6.-расм. Ўзбекистон Республикасидаги пенсия ва нафақа олувчилар сони (2012й.,фоизда)<sup>44</sup>.**

Яъни, Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчиларнинг асосий қисмини 55 ёшдан (аёллар) ва 60 ёшдан (эркаклар) ошган фуқаролар ташкил этади.

### **3.2. Пенсия тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.**

Пенсия тизими ислоҳоти пенсия таъминотидаги икки асосий принципга таянади: бир-бирини тўлдириб боровчи қайта тақсимлаш ва жамғариш тизимларига.


Ушбу икки пенсия тизимининг фарқи пенсия тўловлари молиялаштирилишидаги ёндашув ҳисобланади. Агар жамғариш тизими (3.2.1.-расм)да пенсия фақат суғурта бадаллари ҳисобига тўланса, қайта тақсимлаш тизими (3.2.2.-расм)да жорий даврдаги ишчиларнинг бадаллари ҳисобланади.

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси фаолияти натижалари ва фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида маълумот. Т.- 2012й.



**3.2.1.-расм. Жамғариш пенсия тизими<sup>45</sup>.**

Демак, суғурта бадалларини тўлаётган ишчи ушбу суғурта бадали миқёсидан келиб чиққан ҳолда келажакда пенсияга эга бўлади.



**3.2.2.-расм. Қайта тақсимлаш пенсия тизими<sup>46</sup>.**

Ривожланган ва айрим ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари (Венгрия, Польша, Чехия) тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, аҳоли даромадлари дифференциацияси ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида уч даражали пенсия тизимини жорий этиш энг оптимал ечим ҳисобланади.

Уч даражали пенсия тизими қуйидаги афзалликларга эга:

1. биринчи даража – пенсия тизимидаги вазифасига кўра ижтимоий аҳамиятга эга. Ушбу даража меҳнатга қобилиятсиз аҳоли қатламини яшашини таъминловчи пенсия ҳажмини кафолатлайди. Бу даражада давлат томонидан иш стажи, суғурта стажи ва пенсионернинг суғурта ҳисобидаги жамғарма ҳажмидан қатъий назар минимал пенсияни белгилайди. Бу даража ижтимоий характерга эга.

<sup>45</sup> Б.Х.Умурзаков. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент-2005. «Фан». С.130.

<sup>46</sup> Ўша манба.

2. иккинчи даража – пенсионернинг суғурта ажратмалари ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Ушбу даражанинг асосий мақсади пенсионерни олдинги, меҳнат қобилиятига эга бўлган даврдаги молиявий шароитини сақлаб қолиш. Бу даража фаол ишловчи фуқаро учун мўлжалланган бўлиб, уни юқори тўланиладиган иш жойида ишлашга, пенсия ёшида фойдаланиш учун даромадининг бир қисмини жамғаришга рағбатлантиради. Функцияси ва вазифаларига кўра ушбу даража учта босқичлар ичида энг асосийси бўлиб, у пенсионерга юқори ҳаёт даражасини таъминлашга қаратилган.

3. учинчи даража – ишчининг ҳоҳиш ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда пенсия ёшига етгач пенсия ҳажмини оширишга қаратилган бўлиб, у индивидуал ва кўшимча функцияга эга. Пенсия тизимининг ушбу босқичи давлат ва нодавлат суғурта компаниялари, банклар, пенсия ва бошқа фондларнинг иштироки асосида ташкиллаштирилади.

Агар давлат биринчи икки босқичларда: уларнинг ташкил қилиниш шартлари, пенсия таъминоти ҳажмини белгилашда иштирок этса, учинчи босқичда давлат тўғридан-тўғри иштирок этмайди, бироқ шартнома ва ҳуқуқий мажбуриятлар бажарилишида кузатувчи вазифасини ўтайди.

Пенсия истемол қобилиятини таъминлашнинг яна бир йўли – пенсия индексацияси ҳисобланади. Ўзбекистонда аралаш ҳолатда индексациянинг икки кўриниши қўлланилади: давлат имконияти ва иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда систематик ва бир маротабалик индексация. Систематик индексация мамлакатдаги нархларнинг ёки ўртача ойлик иш ҳақининг оширилиши билан амалга оширилади. Бундан ташқари, амалга ошириладиган индексация давлатни иқтисодиётдаги инфляция устидан расмий назорат олиб бораётганини билдиради, лекин қонун жиҳатдан ушбу жараён муҳлати ва амалга оширилиш ҳолатлари белгиланмаган. Пенсия истемол қобилияти сезиларли ҳолатда тушиб кетса, бир маротабалик пенсия ва ишчилар ойлиги индексацияси амалга оширилади. Бу Ўзбекистоннинг пенсия тўловларини стабил ҳолатда ушлаб туришидаги ўзига ҳослиги

ҳисобланади. Пенсия индексацияси учун молиявий манбалар ўртача ойлик иш ҳақини ошириш билан автоматик равишда Пенсия фондига суғурта бадалларини кўпайтириш ёки маҳсус бадаллар (масалан, маҳсулот реализациясидан 0,7фоиз), маҳсус ҳукумат субсидиялари, жамғариш Пенсия фондидаги бўш пул маблағларини инвестиция қилишдан олинандиган келажакдаги даромадларни киритиш орқали аниқланилади.

Асосий муаммо “замонга мосланган” деб ном олган 15-20 йил олдин, режали иқтисодиёт даврида ишчилар олган ойлик иш ҳақлари ҳисобланади. Давлат қонуний йўл орқали “замонга мосланган” нинг шартларини икки йўл орқали аниқлайди: олдинги иш ҳақларини мамлакатдаги ўртача ойлик иш ҳақи ҳолатига кўра ҳозирги миқдорга олиб келади ва ҳаёт даражасини индексация қилиш орқали. Нисбатан юқори инфляция шароитида ҳаёт даражаси индексациясини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Индексациянинг қийин ва ҳар доим ҳам тўғри бўлмаган шаклини ислохотнинг биринчи босқичида қўллаш мумкин. Уни белгиланган мақсадга мувофиқ қуйидагича амалга ошириш мумкин:

Биринчи усул – чизиқли индексация: пенсиянинг барча ҳажми ва устама ҳамда оширилган қисмлари ҳамма пенсионерлар учун бир хил бўлган оширилган пенсия коэффицентига кўпайтирилади. Индексациянинг ушбу усулини қўллаш оқибатида пенсиялар ўртасидаги мавжуд дифференциация сақланиб қолинади, бироқ нархлар ўсиши компенсацияси ҳар хил бўлади: пенсионерда пенсия қанчалик кўп бўлса, у шунча кўп компенсацияга эга бўлади.

Иккинчи усул – дифференцияллашган индексация, бунда пенсиянинг ошган коэффиценти унинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Ушбу усулда устама ва кўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда пенсиянинг ошганлик коэффиценти шартли равишда уч қисмга бўлинади. Пенсиянинг биринчи қисми қариллик бўйича пенсияни минимал ҳажмининг бир ярим баробарига тенг бўлиб, у тўлиқ индексация ҳажмида кўпайтирилади.

Пенсиянинг иккинчи қисми қариллик бўйича пенсияни минимал ҳажмининг бир ярим баробарига тенг бўлиб, у 1 индексациянинг 50 фоиз ҳажмида кўпайтирилади. Пенсиянинг учинчи қисми ўзгартирилмайди. Натижада уч босқичли пенсия тизимини таъминлаб берувчи индексация тизими шакллантирилиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Базавий пенсия. Унинг минимал даражаси давлат томонидан ўрнатилади ва у минимал пенсиядан кам бўлмайди;
- Суғурта пенсиялари. У мажбурий давлат пенсия суғуртасини суғурта стажи давомийлиги ва суғурта жамғаришлари ҳажмини ҳисобга олган ҳолда тўловчилар томонидан белгиланилади;
- Қўшимча (давлат ва нодавлат) жамғариш пенсиялари. У пенсия фондларидаги ўз ҳисобларига қўшимча ажратмаларни жамғариш суғуртаси тўғрисидаги шартномаларда белгиланганлигига кўра ажратувчи ва ўз жамғаришлари инвестициясидан даромадни олувчи шахслар томонидан белгиланади.

### **3.3. Мамлакатимизда пенсия тизимини ривожлантириш истиқболлари.**

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий вазифа пенсия жамғармасига тўланадиган бадаллар ва пенсия тўловлари миқдори ўртасидаги узвий боғлиқликни ўрнатишдир. Бу ишчиларнинг бадаллар тўлашдан манфаатдорлигини ошириш, бюджетга оғирликни камайтириш мақсадида давлат тизими миқдорини қисқартириш, ишчилар ва иш берувчилар тўлайдиган бадал ставкасини пасайтириш ва келажакда жамғариш тизимини амалга оширишга замин тайёрлаш учун зарурдир. Бундай ҳолатга бирдамлик тақсимлаш даражасини шартли-жамғариш чизмасига айлантириш ёки иш ҳақига боғланган, белгиланган тўловли чизмани ўзгартириш ва қисқартириш орқали эришилади.

Мамлакатларнинг кўп даражали пенсия тизимига ўтишига мувофиқ, хусусий пенсия жамғармаларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ҳисоб-китлоларни олиб бориш, бадалларни йиғиш, хусусан, пенсия жамғармалари фаолияти устидан назорат юритиш ва тартибга солиш бўйича институционал салоҳиятни шакллантириш каби муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Пенсия таъминоти тизимини бошқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш ва унинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1252-сонли Қарори қабул қилинди. Қарор низомига мувофиқ, пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари белгиланди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, пенсия тизими самарали амал қилиши учун пенсионерлар ва ишлаётган фуқаролар ўртасида маълум даражада мувозанат бўлиши лозим. Бироқ, демографик прогнозлар республикада аҳолининг кексайиш жараёни нисбатан тезлашишини ва бу мувозанат ўзгаришини, яъни кексаларнинг иқтисодий фаол аҳолига тўғри келадиган демографик юки ортиб боришини кўрсатмоқда. Бу ҳолат иқтисодий фаол аҳолидан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари бозор нуқтаи назаридан камайишини, яъни ишлаётганларнинг бадаллари пенсияларни тўлаш учун ҳам етмаслигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида ҳозирдан пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилашни талаб этади.

Ўзбекистонда пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилашнинг қатор имкониятлари мавжуд. Улардан бири пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишдар. Республика пенсия жамғармаси маблағларининг 87,5 фоизини ҳақиқий пенсия тўловлари, қолган 23,5 фоизини молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча харажатлар (пенсияга устамалар, ижтимоий нафақалар, ҳарбий хизматчиларга пенсия тўловлари)

ташкил этган<sup>47</sup>. Молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча харажатлар давлат бюджетининг бошқа манбаларидан молиялаштирилса, биринчидан, пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадлилиги ошади, иккинчидан, пенсия жамғармасининг молиявий аҳволи яхшиланади.

Республикада пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилаш йўлларида бири имтиёзли пенсия тайинланишини камайтириш. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда республикамизда ёшга доир пенсия олувчилар ўртасида имтиёзли асосда пенсияга чиқувчиларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2012 йилда жами ёшга доир пенсия олувчилар сони 2005 йилга нисбатан 4,4 фоизга кўпайган ҳолда, имтиёзли асосда пенсия олувчилар сони 29,5 фоизга кўпайган<sup>48</sup>. Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиши шароитида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишида кузатилаётган қуйидаги хусусиятлар имтиёзли асосда тайинланадиган пенсиядан бутунлай воз кечишга имкон беради. Жумладан, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларнинг киритилишига катта эътибор қаратилаётганлиги сабабли, иқтисодиётнинг аксарият тармоқларидаги меҳнат шароити аввалгидек зарарли ва оғир ҳисобланмайди. Агар 2005 йилда саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳар 1000 кишининг касб касаллиги билан ҳасталаниш кўрсаткичи 0,5 фоиз бўлган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 0,45 фоизни ташкил этди<sup>49</sup>.

Юқорида кўрсатилган хусусиятлар республикада имтиёзли пенсиядан бутунлай воз кечишга имкон беради. Бу эса, пенсияга чиқиш ўртача ёшини пенсия тизими ислохотидаги илк босқичларда эркаклар учун 1,5 йилга, аёллар учун 2 йилга кўтариш имконини беради. Европа Иттифоқининг (ЕИ) кўпгина мамлакатларида пенсия ёши қилиб эркакларга ҳам, аёлларга ҳам 65 ёш белгиланган. Пенсияга чиқиш учун энг катта ёш Данияда - эркаклар ва

<sup>47</sup> “Биржа эксперт” журнали. №1-2, 2013.

<sup>48</sup> Ўша манба.

<sup>49</sup> Ўша манба.

аёллар учун 67 ёш. МДХга кирувчи аксарият мамлакатлар пенсияга чиқиш ёшини қонун йўли билан кўтарди. Жумладан, Озарбайжон, Молдова ва Туркманистонда пенсияга чиқиш ёши эркаклар учун – 62 ёшга, аёллар учун – 60 ёшга, Арманистонда эркаклар учун – 63 ёшга, аёллар учун – 60 ёшга, Қозоғистонда эркаклар учун – 63 ёшга, аёллар учун – 58 ёшга кўтарилган. Ўзбекистонда ислохотнинг кейинги босқичларида аёллар ва эркаклар пенсия ёшини бир хил қилиш лозим – аёлларнинг умр узунлиги кўпроқ ва табиийки, эркаклар миллий даромад яратилишида аёлларга нисбатан фаол ҳаракат олиб боради. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида Ўзбекистон аҳолисининг жинсий таркибида бевосита аёлларга хос ижтимоий-демографик хусусиятлар содир бўлмоқда. Жумладан:

- Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар салмоғи ортиб бормоқда. Агар 1995 йилда иқтисодий фаол аёллар салмоғи 3608,0 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 5554,1 минг кишига етган ёки бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 45,4 фоизини аёллар ташкил қилмоқда;
- Аёлларга эркакларга нисбатан туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлигининг юқорилиги сақланмоқда. 1990 йилда республикада аёлларнинг ўртача умр давомийлиги 72,4 ёшдан 2012 йилда 75,1 ёшга, эркакларда эса 66,1 ёшдан 69,6 ёшгача ошган. Кўриниб турибдики, аёлларнинг ўртача ҳаёт давомийлиги эркакларга нисбатан 3-5 йилни ташкил этади<sup>50</sup>.

Пенсия таъминотини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш ва келажакдаги асосий устувор йўналишларни белгилаб олиш зарур. Бунда мамлакатнинг демографик ўзгаришлари, аҳоли даромадларининг ўсиши, пенсия жараёнида иштирок этувчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш каби вазифаларни ўз ичига қамраб олиши лозим бўлади. Пенсияга чиқиш ёшини ошириш ва вақтли пенсияга чиқиш шартларини кескинлаштириш ёки

<sup>50</sup> “Биржа эксперт” журнали. №1-2, 2013.

кечроқ чиқиш ҳолатини кўллаб-қувватлаш, бадал ва тўловлар ҳолатларини кўриб чиқиш ва ҳ.к.

Иш ўринларини кўпайтириш билан бирга аҳолини ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия тизимига жалб қилиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011 – 2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, тижорат банкларини янада капиталлаштириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш ҳамда омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ва банк тизимига аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш йўли билан аҳоли ҳамда хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб этиш бўйича тизимли чора тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Юқорида айтилган Президент қарорини ижро этиш мақсадида Халқ банкининг бошқарув қарори билан ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия бадалларига йиллик 24 фоиз даромад берилиши белгиланди.

Жамғариб бориладиган пенсия маблағларини кафолатланган инвестицияларга жалб этиш. Бунда Халқ банки томонидан бошқа тижорат банкларига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлмаган шартларда инвестиция қилиш.

Ўз олдига суғурта стажи давомийлигига ва муайян ишчининг бутун иш фаолияти давомида жамғариш ҳолатига таянганиб, пенсия ҳажмини ҳисоблаб чиқишни ўз олдига мақсад қилган пенсия ҳажмини ҳисоблашнинг янги механизмини ишлаб чиқиш.

### **3 –боб бўйича хулосалар:**

Пенсия Фонди бошқариш тизимининг ривожланиши:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 4 августдаги Қарори билан Ижтимоий суғурта фонди ташкил этилди. Бунга қадар фаолият юритиб келган иттифоқ пенсия фондининг ўзбек бўлинмасининг барча ваколатлари ва маблағлари республика ижтимоий суғурта Фондига берилди.

1996 йил 27 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги қошида Пенсия Фондини ташкил этиш тўғрисида»ги №459 сонли Қарори қабул қилинди. Пенсия таъминоти учун мажбурий тўловларнинг келиб тушиши ва пенсия ҳамда тўловларнинг ўз вақтида ишлатилиши Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигига юклатилди, Ижтимоий таъминот вазири бир вақтнинг ўзида Пенсия фондининг Раиси вазифасини бажариши белгиланди.

2000 йилда соҳавий тизимларининг бошқарувнинг юқори бўғинларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўп вазирлик ва идоралари тугатилиб, уларнинг ваколатлари ҳудудий бошқариш идораларига умумий ва ташкилий- йўриқномавий ёрдам кўрсатувчи агентлик ва ассоциацияларга берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябр кунидаги «Бюджетдан ташқари Пенсия фондини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия фонди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия фондига ўтказилди.

2010 йилдан бошлаб, пенсия ва нафақаларни тайинлаш, тўловини мониторинг қилиш, ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида янгидан ташкил этилган бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда.

## Хулоса.

Ўзбекистон Республикасининг пенсия тизимини ўрганиб чиқиб, қуйидаги **илмий хулосалар** олинди:

- ривожланган мамлакатлардаги пенсия таъминоти билан боғлиқ бўлган муаммолар XX асрнинг 80 йилларида айниқса кескинлашди ва шу даврдан бошлаб пенсия тизими ислохотлари бошланди. Ислохот ўтказилишининг сабаби ишлаётган ва ишламаётган аҳоли қатламлари ўртасидаги баланснинг бузилиши оқибатида қайта тақсимлаш тизимининг инқирози бўлди. Ушбу номунофиқлик давлат харажатлари ҳисобига қоплана борди ва бу пенсия таъминотининг янги тизимига ўтиш лозимлигини муқаррар қилиб қўйди;
- ҳозирги демографик шароитда пенсия тизими олдидаги асосий вазифалар қуйидагилардир: 1) аҳолини пенсияга чиққач кафолатланган даромад билан таъминлаш; 2) пенсия ёшидаги аҳоли қатламини тобора ортиб бораётган ижтимоий, иқтисодий ва руҳий тушкунликлардан ҳимоялаш.
- пенсия таъминотининг жаҳон тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатдики, амалиётда пенсия тизими ва уларнинг турли комбинациялари мавжуд. Бунда, тадқиқот натижалари кўрсатишича, пенсия тизими мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик ҳолати ва даражасига, анъаналар, ижтимоий таъминотдаги мавжуд тажриба ва пенсия таъминотининг институционал ривожланишига жавоб бера олиши керак.
- Диссертация тадқиқотининг натижалари пенсия тизими тури қуйидагиларга боғлиқлигини кўрсатади: ЯИМ даражаси, давлат бюджети даромадлари, иш ҳақи ва инфляция, қимматли қоғозлар бозори ва кредит тизимининг ривожланганлик даражаси ва б., шунингдек, демографик факторлар: туғилиш ва ўлим даражаси, умр кўриш узунлиги, аҳолининг меҳнатга қобилияли қисми билан пенсионерлар ўртасидаги нисбат (демографик оғирлик коэффициенти) ва б.

- тадқиқот натижалари пенсия тизимида ҳозирги ислоҳотлар ушбу тизимни буткул ўзгартириш эмас, балки ўзида давлат қайта тақсимлаш пенсия тизими, жамғариш схемаси ва ихтиёрий пенсия суғуртасини ривожлантириш ва параллел ҳолатда олиб борилаётганлигини кўрсатмоқда;
- янги тизимга ўтиш мамлакатларда босқичма-босқич ҳолатда амалга оширилади;
- ҳар бир мамлакатда ўтишнинг алоҳида элементлари, шунингдек унинг молиялаштирилиши ўзига хос хусусиятларига эга;
- кўп мамлакатлардаги пенсия ислоҳотлари иқтисодий ўсиш ва иш ҳақининг кўтарилиши шартлари бажарилгандан сўнг бошланади;
- диссертация тадқиқотидан шу нарса маълумки, аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган ҳар қандай модел ва механизмларнинг қўлланилишида конкрет ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва ижтимоий-психологик ўзига хосликни инобатга олинмаса, ушбу модел самарасиз бўлади;
- Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари дифференциацияси ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида уч даражали пенсия тизимини жорий этиш энг оптимал ечим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда бир қатор бошқа давлатларнинг пенсия тизимини ўрганган ҳолда, Ўзбекистондаги пенсия тизимини янада ислоҳ қилиш учун қуйидаги **амалий таклифлар** ишлаб чиқилди:

- пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий вазифа пенсия жамғармасига тўланадиган бадаллар ва пенсия тўловлари миқдори ўртасидаги узвий боғлиқликни ўрнатиш керак;
- мамлакатларнинг кўп даражали пенсия тизимига ўтишига мувофиқ, хусусий пенсия жамғармаларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ҳисоб-китлоларни олиб бориш, бадалларни йиғиш, ҳусусан, пенсия

жамғармалари фаолияти устидан назорат юритиш ва тартибга солиш бўйича институционал салоҳиятни шакллантириш лозим;

- пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланиш даркор;
- республикада пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилаш йўлларида бири имтиёзли пенсия тайинланишини камайтириш шарт;
- Ўзбекистонда ислохотнинг кейинги босқичларида аёллар ва эркеклар пенсия ёшини бир хил қилиш лозим;
- иш ўринларини кўпайтириш билан бирга аҳолини ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия тизимида жалб қилиш керак;
- жамғариб бориладиган пенсия маблағларини кафолатланган инвестицияларга жалб этиш даркор.
- пенсия таъминотини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш ва келажакдаги асосий устувор йўналишларни белгилаб олиш зарур.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

### **1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президентиининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, 1993й.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, 2004й.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири), 2008й.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нобюджет Пенсия фондини бошқаришнинг келажакдаги такомиллашуви тўғрисида”ги Қарори, 2005й.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари.**

- 2.1. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интиломда”. - Т.: «Ўзбекистон», 1999.
- 2.2. Каримов И.А. Биз учун халқимиз, ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ. - Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
- 2.3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 2.4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

2.5. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

2.6. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - Т.: “Ўзбекистон”, 2013.

### **3. Маҳсус адабиётлар.**

3.1. Old Age Pension Schemes, OECD 1977, Paris, France, p.22.

3.2. M. Pilch and V. Wood pension Schemes. A guide to principles and practice. Gower Press, 1979, p.3.

3.3. Social security, including social protection of public employees in respect of invalidity, retirement and survivors benefits. Geneva, ILO, 1988.

3.4. Новгородцев П.И. “Право на достойное человеческое существование.” СПб., 1991, с.3 – 13.

3.5. Ал-Бухорий Исмоил. Ал-Жомий – Ас сахих. Хадислар. Тошкент. Энциклопедия, 1995. Т.3. 475 б.

3.6. Aging Population and Public Pension Schemes. Washington D.C., 1996.

3.7. Рейно Э. Финансирование пенсий по старости: распределительные и накопительные системы в Европейском Союзе // Пенсия. 1996. №1.

3.8. А.М.Бабич. Е.Н.Егоров, Е.Н.Жильцов. Экономика социального страхования. Курс лекций. М.: ТЕИС, 1998. с.31.

3.9. К реформе социального обеспечения: принципы и прагматизм. Издание бюро МОТ в Москве, М., 1999, вып. 1, с. 8 – 11.

3.10. Рофе А.Н, Жуков А.Л. Теоритические основы экономики и социологии труда. – М.: МИК, 1999, с.45.

3.11. M. Rutkowski. Returning Hope: pension system reforms in countries with transition economies, p.9, “Flagship course on pension reform”. Институт Всемирного банка. 22 – 30 января 2001 года, Будапешт, Венгрия.

3.12.M.Gora. Polish Old Age Pension Reform, p.8, “Private pensions conference”. ОЭСР – Министерство труда и социальной политики Болгарии - USAID, 23-26апреля 2001 года, София, Болгария.

3.13.National Research Council. Preparing for an aging world: The Case for Cross- national Research, Committee on Population and Committee on National Statistics, Division of Behavioral and Social Sciences and Education. Washington, DC: National Academy Press, 2001.

3.14.Эстель Джеймс. Многоуровневые пенсионные системы: сходства и различия. С.1.

3.15.Z.Bodie. Investment Management and Technology: Past, Present and Future, p.1.

3.16.Б.Х.Умурзаков. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент-2005. «Фан». С.81, 84.

3.17.Камаева В.Д., Лобачевой Е.Н., Экономическая теория. – М.: Юрайт-Издат, 2006. –с. 401.

3.18.National officials, OECD calculation and Turner, 2007.

3.19.Мажидов Н.М., Файзиева Ш.Р. Ижтимоий суғурта – давлатнинг ижтимоий сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисми. // Иқтисодиётнинг долзарб масалалари. Илмий ишлар тўплами. 2012, № 1, -Б. 4.

#### **4. Илмий мақолалар.**

4.1. Аргументы и факты. № 47, 2011. «Будем платить».

4.2.Биржа эксперт. № 1 – 2, 2013. «Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш». Ж.Бакирова.

4.3.Биржа эксперт. № 4, 2013. «Ўзбекистонда аҳоли даромадларини оширишда солиқ тизимининг аҳамияти ва хусусиятлари». Н.Шамсиев.

## **5. Илмий-амалий конференциялар.**

5.1. Материалы Конфедерации Профсоюза за 2001год. М.: Профцентр “Союзметалл”, 2001.

5.2. Пенсионная система в Украине и программа привлечения средств населения в жилищное строительство, конференция пенсионных фондов, Алматы, 20-21 июня 2001 г., с.2.

5.3. “МДҲ мамлакатларидаги пенсия тизими ислоҳотидаги муаммолар” илмий-амалий конференция материаллари. Москва. Апрель 14 – 16, 2005 й.

## **6.Интернет ресурслари.**

6.1. Minzdravsoc.ru

6.2. pfrf.ru

6.3. www.aif.ru

6.4. [www.gks.ru](http://www.gks.ru)

1- Илова.

**Ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий ҳимоя тизимининг  
вужудга келган йиллари<sup>51</sup>.**

Дастурлар	Германи я	Буюк Британия	Швеция	Франция	Италия	АҚШ
Ишлаб чиқаришдаги кўнгилсиз воқеалардан суғурталаш	1884	1906	1901	1946	1898	1930
Касаллик бўйича ёрдам	1883	1911	1910	1930	1943	—
Пенсия таъминоти	1883	1908	1913	1910	1919	1935
Ишсизликдан суғурталаш	1927	1911	1934	1967	1919	1933
Оилага кўрсатиладиган ёрдам	1954	1945	1947	1932	1936	
Тиббий суғурта ёки текин тиббий ёрдам кўрсатиш	1880	1948	1962	1945	1945	Қисм ан 1935 ва 1960

<sup>51</sup> Р.Т.Далимов. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его применение в условиях переходной экономики. Ташкент. «Университет» 2003г.

**Демографик тенденциялар. Прогноз.<sup>52</sup>**

	1995	2000	2010	2020	2030	2050
АҚШ аҳолиси	100,0	104,8	113,0	119,8	124,7	172,2
Демографик оғирлик	19,2	19,0	20,4	27,6	36,8	38,4
Япония аҳолиси	100,0	101,3	102,2	100,6	97,6	91,6
Демографик оғирлик	20,3	24,3	33,0	43,0	44,5	54,0
Германия аҳолиси	100,0	100,0	97,2	94,2	90,6	81,2
Демографик оғирлик	22,3	23,8	30,3	35,4	49,2	51,9
Франция аҳолиси	100,0	102,2	104,9	106,9	107,8	106,1
Демографик оғирлик	22,1	23,6	24,6	32,3	39,1	43,5
Италия аҳолиси	100,0	100,1	98,2	95,3	91,9	82,6
Демографик оғирлик	23,8	26,5	31,2	37,5	48,3	60,0
Буюк Британия аҳолиси	100,0	101,0	102,2	103,5	103,9	102,0
Демографик оғирлик	24,3	24,4	25,8	31,2	38,7	41,2
Канада аҳолиси	100,0	105,0	113,2	119,7	123,1	122,7

\*Изоҳ: демографик оғирлик 65 ва ундан юқори аҳолининг 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолига нисбати йўли билан аниқланилади.


<sup>52</sup> ХВФ маълумотлари.

3-Илова.

**Давлат (Public) ва хусусий (Private) пенсия таъминоти  
харажатлари ЯИМдан, фоизда, 2007 йил.<sup>53</sup>**

Мамлакат номи	Хусусий пенсиялар	Давлат пенсиялари	Жами
Мексика	0,2	7,2	7,4
Корея	2,6	7,5	10,2
Турция	0,0	10,5	10,5
Чили	1,2	10,6	11,8
Эстония	0,0	13,0	13,0
Исроил	0,5	15,5	15,9
Словакия	1,0	15,7	16,7
Польша	0,0	20,0	20,0
Люксембург	0,9	20,6	21,6
Испания	0,5	21,6	22,1
Канада	5,3	16,9	22,2
Япония	3,6	18,7	22,3
Норвегия	2,0	20,8	22,8
Греция	1,5	21,3	22,9
Венгрия	0,2	23,1	23,3
Португалия	1,9	22,5	24,4
Финляндия	1,1	24,9	26,0
Буюк Британия	5,8	20,5	26,3
АҚШ	10,5	16,2	26,7
Швецария	8,3	18,5	26,8
Италия	2,1	24,9	27,0
Нидерландия	6,9	20,1	27,0
Германия	2,9	25,2	28,0
Австрия	1,8	26,4	28,2
Дания	2,6	26,1	28,7
Швеция	2,9	27,3	30,2
Бельгия	4,7	26,3	31,1
Франция	2,9	28,4	31,3

<sup>53</sup> National officials, OECD calculation and Turner, 2007.231

**МДХ мамлакатларида пенсия ва нафақа олувчилар сони<sup>54</sup>.**

<sup>54</sup> Турли манбалар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

5-илова.

**Ғарбий Европа мамлакатларидаги пенсия ёши ва пенсияда умр кўриш узунлиги<sup>55</sup>.**

Мамлакат	Пенсия ёши		Пенсияда ўртача умр узунлиги	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Буюк Британия	65	65	15,7	23,1
Ирландия	65	65	14,7	22,9
Исландия	67	67	10,8	14,5
Испания	65	65	14,3	18,5
Италия	65	65	16,9	24,9
Нидерландия	65	65	12,4	16,7
Португалия	65	65	13,0	17,0
Германия	65	65	16,8	20,8
Люксембург	65	65	14,2	17,9
Франция	62	62	19,8	24,9
Бельгия	65	65	14,2	19,1

<sup>55</sup> Эстель Джеймс. Многоуровневые пенсионные системы: сходства и различия. С.17.

6-илова.

**Ёшга доир пенсия учун<sup>56</sup>:**

1. Паспорт
2. Меҳнат дафтарчаси
3. Пенсия дафтарча (банкдан тўлдирилган ҳолда)
4. Диплом
5. Ҳарбий гувоҳнома
6. Болаларнинг туғилганлик гувоҳномаси
7. Никоҳ гувоҳномаси
8. Иш стажини тасдиқловчи маълумотномалар
9. Тақдимнома
10. Охирги 10 йил учун иш ҳақи
11. Маҳалладан маълумотнома (фарзандларни ва қачондан ишламаслигини кўрсатиб)
12. Декрет тўғрисида маълумотнома
13. Хусусий корхоналар учун ДСИдан маълумотнома
14. Иккита расм 3x4.



Нусхаси  
билан

**Ногиронлик пенсияси учун қўшимча:**

- ТМЭК маълумотномаси

**Боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун қўшимча:**

- Ўлим гувоҳномаси (асли)
- Маҳалладан маълумотнома (қарамоқда бўлганлиги кўрсатилган ҳолда), ўқиш жойидан маълумотнома.

<sup>56</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига асосланган Йўриқнома.

